

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

Зокиров Нодирбек Хабибуллоевич

Корхона инвестиция сиёсатида молиявий рағбатлантириш кўринишлари ва
шакллари

5А 231102 – Ташқи иқтисодий фаолият

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:

Проф. Ш. Тошматов

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-БОБ. КОРХОНА ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ.	8
1.1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти	8
1.2. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари	14
1.3. Корхона инвестиция сиёсатини шакллантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари	21
1-боб бўйича хулоса	27
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	29
2.1. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиявий рағбатлантириш воситалари	29
2.2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзларини қўллаш хусусиятлари	37
2.3. Ўзбекистонда корхоналарнинг инвестиция фаолиятини солиқ тизими орқали рағбатлантириш стратегияси	43
2-боб бўйича хулоса	57
3-БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	59
3.1. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг ролини ошириш	59
3.2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарни солиқ тизими орқали рағбатлантириш йўналишлари	66
3.3. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиқ тизими орқали рағбатлантиришни кучайтириш масалалари	74
3-боб бўйича хулоса	81
Хулоса ва таклифлар	82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	89
Иловалар	93

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Миллий иқтисодийни модернизациялаш жараёнида хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки хорижий инвесторлар ўзлари билан нафақат валюта, балки юқори даражадаги технологияни ҳам олиб киради. Ўзбекистон Республикасида иқтисодийнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодийни кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимида қўшилишига, рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодийнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Мазкур сиёсат мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъминлашда, иқтисодийимиз рақобатбардошлигини оширишда, экспорт салоҳиятини ўстиришда муҳим аҳамиятга эга бўлибди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “2012-йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодийимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур”¹. Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, иқтисодийни диверсификациялаш мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини, инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали таъминланади.

Инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. - “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам қамраб олади.

Инвестиция жараёнларини молия-кредит механизмлари орқали рағбатлантиришда солиқ тизими энг катта аҳамият касб этади. Чунки, инвестор ўз маблағлари етарли бўлган шароитда кредит маблағларини жалб этмасдан ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиши мумкин, аммо у ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштиришнинг қайси манбаларидан фойдаланишидан қатъий назар белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаши шарт, шу боис инвесторларни энг қизиқтирган жараёнлардан бири бу солиқ тизимида бу борада қандай енгиллик ва имтиёзлар берилганлигидир.

Республикаимиз корхоналарининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш, мамлакатга иқтисодиётига тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш механизмларини кучайтириш, унинг самарадорлигини таъминлаш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимларини ҳал этиш бугунги кундаги долзарб масаладир. Юқорида қайд этилган ҳолатлар танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий инвестицияларни солиқлар орқали рағбатлантиришга оид назарий қарашлар иқтисодчи олимлар Тумусов Ф.С., Золотогоров В.Г., Михайлова Е.В, В.Пансков, Р.Кэмпбелл, А.Лаффер, Уильям Ф.Шарп, Гордон Дж.Александр, Джеффри В.Бэйли, М.Лоренц, К.Макконнелл, Г.Мэнкью, У.Петтиларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган. Республикаимиз олимларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А.Каримов асарларида, А.Вахабов, О.Абдурахмонов, М.Алмардонов, Э.Гадоев, А.Жўраев, Т.Маликов, О.Олимжонов, Х.Собиров, Ш.Тошматов, Б.Тошмурадова, Н.Хайдаров,

Қ.Яхёев, Н.Қўзиева, Ҳ.Имомов, Д.Ғозибеков, Н.Каримовлар илмий ишларида мавзунинг тегишли жиҳатлари таҳлил қилинган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда корхоналарнинг инвестиция фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари. Мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- корхона инвестиция сиёсатининг назарий-услубий жиҳатларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиявий рағбатлантириш воситаларини кўриб чиқиш;
- Ўзбекистонда корхоналарнинг инвестиция фаолиятини солиқ тизими орқали рағбатлантириш хусусиятларини таҳлил қилиш;
- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг ролини аниқлаш;
- корхоналарнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантиришда солиқ тизимининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Республикамиз иқтисодиёти ва унда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш билан боғлиқ муносабатлар тадқиқот предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асослари - Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, ўзбек ва чет эл иқтисодчи олимларининг асарлари ва мақолалари. Маълумот манбалари бўлиб Ўзбекистон

Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари, статистик тўпламлар ва интернет сайтлар маълумотлари ҳисобланади. Тадқиқотнинг методи сифатида илмий абстракция, тизимли ёндашув, функционал-тузилмавий таҳлил ва ўзаро таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиявий рағбатлантириш воситалари ўрганилди;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзларини қўллаш хусусиятлари аниқланди;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарни солиқ тизими орқали рағбатлантиришни кучайтириш йўллари очиб берилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий натижаларидан, ишлаб чиқилган илмий-амалий хулосалар ва тавсиялардан келажакда мамлакатимизда хорижий инвестицияларни солиқлар орқали рағбатлантириш масалаларини мустақил равишда чуқур тадқиқ этишга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида назарий манба ҳамда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Унда келтирилган тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳукуматнинг хорижий инвестицияларни солиқлар орқали рағбатлантиришни оширишга қаратилган чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқишда қўллаш билан белгиланади. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида “Хорижий инвестициялар”, “Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш”, “Солиқ назарияси”, “Юридик шахсларни солиққа тортиш” каби ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Илмий ишнинг тузилиши ва таркиби. Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Магистрлик диссертациянинг биринчи бобида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, корхона инвестиция сиёсатини шакллантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиявий рағбатлантириш воситалари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзларини қўллаш хусусиятлари, Ўзбекистонда корхоналарнинг инвестиция фаолиятини солиқ тизими орқали рағбатлантириш ҳолати таҳлил этилган.

Ишнинг учинчи бобида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг ролини ошириш, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарни солиқ тизими орқали рағбатлантириш йўналишлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиқ тизими орқали рағбатлантиришни кучайтириш масалалари кўриб чиқилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Диссертацияда Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида корхоналарнинг инвестиция фаолиятини молиявий рағбатлантириш воситалари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарига солиқ имтиёзларини қўллаш хусусиятлари, хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришда солиқлар орқали рағбатлантириш сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда уни такомиллаштириш йўллари кўриб чиқилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Магистрлик диссертациянинг хулоса қисмида умумий хулосалар ва унинг натижаларини амалий қўллаш таклифлари, шунингдек Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни барча шакллари фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ва бошқа таклифлар кўрсатиб ўтилган.

1-БОБ. КОРХОНА ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти

Ҳозирда инвестицияларга аниқ таъриф беришда ва улардаги тушунчаларнинг фарқларини очиқ бериш зарурати пайдо бўлди. Амалиётда «инвестициялар», «инвестициялар самарадорлиги» ва «инвестицион муҳит» тушунчалари аксарият ҳолларда бир маънода ишлатилмоқда.

Молия назариясига кўра инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида моҳиятан ҳозирги харажатларни англатади. Инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатдир². Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириш мумкин. Аслида «Инвестиция» атамаси лотин тилидаги “invest” сўзидан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «маблағни сафарбар этиш» маъносини беради.³ Кенг маънода инвестициялар кўпайтириб қайтариб олиш мақсадида капитал сарфлашни билдиради. Кўпгина ҳолларда «инвестиция» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. «Чет эл инвестициялари» тушунчасига таъриф беришда ҳам худди шу маъно назарда тутилади, лекин бу ўринда уларнинг қонуний ҳуқуқлилиги ва мақсадига кўпроқ урғу берилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунда⁴ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига фойда (даромад) олиш мақсадларида киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир

² Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: Молия, 2003. 10-б.

³ Ўша ерда

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори билан 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган ва 1998 йил 20 майдан амалга киритилган.

хуқуқларнинг жами турлари, шу жумладан, интеллектуал мулк ҳуқуқлари, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинадиган ҳар қандай даромад чет эл инвестициялари ҳисобланади.

Умуман, иқтисодиётда инвестициялар капиталнинг жамғарилиш жараёнидир. Молия назариясида инвестициялар реал ёки молиявий активларни олишдан далолат беради ва келажакда кутилган даромадларга эришиш мақсадларида қилинган ҳозирги харажатлардан иборат.

Бошқача айтганда инвестициялар ҳозирги муайян капитал қийматини кутиладиган, келажакдаги ноаниқ қийматга алмашишни билдиради. Шундай қилиб, замонавий молия назариясида инвестициялар бугунги муайян қийматни келажакдаги эҳтимолий ноаниқ қийматга алмаштиришни англатади⁵.

Сўнгги таърифда инвестициялар мазмуни ва моҳиятининг асосий мезони тарзида келгуси манфаатлар ҳамда инвестициялар билан боғлиқ рисклар таъкидлаб кўрсатилган. Масалан, П.Массе инвестициялаш бугунги эҳтиёжларни қондиришни инвестиция неъматлари ёрдамида келажакда кутиладиган қондиришга алмаштириш ҳаракатидан иборат деб ҳисоблайди. Айрим асарларда мамлакат ичида ёки хорижда ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни ривожлантириш, фойда ёки бошқа пировард натижалар олиш мақсадларида турли тармоқлар, дастурлар ва айрим тадбиркорларга молиявий, мулкӣ ва интеллектуал неъматлар қўйилмаларининг жами турларини инвестициялар деб кўрсатадилар. Бундай нуқтаи назарга эга муаллифларнинг фикрича, уларнинг бир қисми бу жорий даврда фойдаланилмайдиган ва захирага қўйиладиган истеъмол неъматларидан, иккинчи қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки уни янгилашга, яъни реал капитални кўпайтиришга йўналтириладиган ресурслар ҳисобланади.

⁵ Мертенс А.В. Инвестиции: Курс лекций по современной финансовой теории. -Киев. Киевское инвестиционное агентство, 1997. 41-с.

Д. Ғ. Ғозибековнинг⁶ фикрича, жорий даврда фойдаланилмаган жами истеъмол неъматларини инвестициялар деб ҳисоблаш ҳақидаги фикрларга қўшилиш қийин. Жуда бўлмаса, ўзининг ҳозирги қийматини сақлайдиган ёки уни кўпайтирадиган неъматларгина инвестициялар деб ҳисобланиши мумкин, акс ҳолда, улар ҳаракатсиз, «ўлик капиталга» айланади. Неъматларнинг иккинчи қисми, яъни манбалар тўғрисидаги фикрларга келганда шуни айтиш мумкинки, бундай таърифларнинг муаллифлари инвестициялар қўйилмалари объектларини тўлиқ кўрсатмайдилар⁷.

Шу билан бирга улар инвестицияларга иқтисодий таърифдан ташқари яна молиявий таъриф бериш мумкин деб ҳисоблайдилар. Уларнинг карашларига кўра, молиявий таъриф бўйича инвестициялар хўжалик фаолиятига қўйиладиган жами турдаги активлар бўлса, иқтисодий таъриф бўйича инвестициялар асосий ва айланма капитални барпо этиш, кенгайтириш ёки қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлашга қилинган сарф-харажатлардир⁸.

Ҳозирга қадар «инвестиция» тушунчаси моҳиятини иқтисодчи олимлар турлича талқин қилиб келадилар. Айрим иқтисодчилар уни «тадбиркорлик фаолиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этилган барча турдаги бойлик» деб тушунсалар, айримлари латинча «**invest**» сўзининг айнан таржимаси «солиш» деган маънони билдиришидан келиб чиққан ҳолда «капитал солиш» билан бир хил таърифлайдилар.

Хусусан, иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотининг лауреати У.Ф. Шарпнинг энг оммабоп ҳисобланган «Инвестиция» дарслигида, «Инвестициялар келгусида (эҳтимол номуайян) қийматга эга бўлиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматдан воз кечишдир»,⁹ - деб таърифланади. «Инвестициялаш» атамасининг маъносини бу қўлланма

⁶ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: Молия, 2003. 13-б.

⁷ Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учебное пособие. -Мн.: Экоперспектива, 1998. 12-с.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлар тўплами 3-модда 1999 й., 2 сон. -35 б.

⁹ Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции. пер. с. англ. -М.: ИНФРА, 2000. -16 с.

муаллифи қуйидагича шарҳлайди: «Келажақда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир» ва ҳисоблайдиларки, ё реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин»¹⁰.

Швед иқтисодчи олими Клас Эклунд фикрича, «инвестиция - бу келажақда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир»¹¹.

Назаримизда, бу иқтисодчи олим инвестицияларнинг моҳиятини соддароқ талқин этган бўлиб, у «капитал қўйилмаларга» берилган таърифга кўпроқ мос тушади.

«Экономикс, принципы, проблемы и политика» дарслигининг муаллифлари инвестиция тушунчасини қуйидагича шарҳлайдилар, яъни «инвестиция (investment)» - бу моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлардир»¹². Назаримизда, бу таъриф ҳам ўз мазмунига кўра, кўпроқ «капитал қўйилмалар» тушунчасига мос келишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Россиялик иқтисодчи олим Е.В. Михайлова эса «инвестициялар - келажақда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда қўйиш сифатида ифодаланади»¹³, деган фикрни илгари суради. Бу таъриф умумий ва содда қилиб тушунтирилган бўлиб, бозор иқтисодиёти манфаатларига мос талқин қилинган.

Инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда Д.Ғ. Ғозибековнинг «Инвестицияларни молиялаштириш масалалари»¹⁴ номли илмий асаридаги инвестицияларнинг макродаражали ва ишлаб чиқариш назарияси, молия назарияси ва умуман, иқтисодиётдаги фикрлари алоҳида

¹⁰ Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции. пер. с. англ. -М.: ИНФРА, 2000. -18 с.

¹¹ Клас Эклунд «Эффективная экономика», шведская модель -М.: Экономика, 1991. -96 с.

¹² Кэмпбелл Р. Макконелл, Станли Л. БРЮ. Экономикс, принципы, проблемы и политика. 2-том, -М.: Изд-во «Республика», 1992. -388 с.

¹³ Михайлова Е.В Финансовые рынки и их формирование в СССР. СП.б: Изд-во СПУ ЭиФ, 1991. -17 с.

¹⁴ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: –Молия, 2003. -18 б.

аҳамиятга эга. Муаллифнинг фикрича, инвестицияларнинг моҳиятини таърифлаб ўтганда уларнинг турли хил хатарлар ва кутилаётган даромадлар билан боғлиқлигини ҳамиша ёдда тутмоқ зарур. Инвестиция ана шу белгилари билан бошқа маблағ солишлардан фарқланиб туради.

Шунингдек, инвестицияларнинг ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатлиги, бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларни онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириб ўтадилар. Ва таъкидлайдики, инвестициялар қаратилган соҳа ва қўйиш объектлари, инвестициялаш субъектлари, қайта ишлаб чиқариш ва ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб, муайян мақсадларни кўзлайди ва улар билан боғлиқ бўлган аниқ ва ноаниқ рисклар билан тўқнашади.

Шунингдек, инвестиция тушунчасининг мазмуни, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунида, «Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар»¹⁵ сифатида ҳам таърифланади. Фикримизча, инвестицияга юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, бу борада унинг жуда кенг тушунчага эга эканлиги ва уни турлича талқин қилиш мумкинлигини кўриш мумкин. Шунинг учун «инвестиция» тушунчасига таъриф бериб ўтганда унинг барча жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Иқтисодиёт фанининг турли бўлимларида, шунингдек амалий фаолиятларнинг турли йўналишларига татбиқан маблағ солиш соҳалари ва объектларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, бу атамага турли маъно берилмоқда.

Бу атаманинг барча жиҳатларини умумлаштириб, қуйидагича таъриф бериш лозим. Яъни, Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ғ. Ғозибеков ва Т.М. Қоралиевларни инвестиция даромад (фойда) ёки ижтимоий самара

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1998 й. 24 декабрь, //Солиқ ва божхона хабарлари. 1999. -№ 4.

келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар деб берган таърифларига тўлақонли қўшилиш мумкин.

Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, инвесторнинг ўзида мавжуд бўлган мулкӣ ва интеллектуал бойликлардан ташқари барча турдаги муайян мулкӣ ва интеллектуал бойликларни жалб этиш орқали даромад (фойда) ёки ижтимоӣ самара келтирадиган бойликлардир. Чунки самара келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар фақат инвесторни ўзиники бўлишлиги шарт эмаслигини ва инвестицияларни қуйидаги шаклларда амалга ошириш ҳам мумкинлигини унутмаслик лозим, яъни:

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар);
- муаллифлик ҳуқуқи, ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқларидан (ноу-хау) ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари, бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиӣ ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар.

Инвестиция моҳиятини очувчи ушбу таърифга биноан ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида инвесторнинг ўзидаги мавжуд «чекланган имконият»ларидан ташқари ўзидаги мавжуд бўлмаган муайян мулкӣ ва интеллектуал бойликлардан самарали фойдаланиб, «маълум миқдорда» фойда олиши натижасида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида қатнашиши билан молиявий-иқтисодий ўсишни таъминлашини таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодий

тизимда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас,¹ -деб таъкидлаган фикрини келтириб ўтиш ўринлидир.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, инвестиция иқтисодиёт ҳолатини тавсифловчи «асосий бирламчи» элемент деган хулосага келиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, инвестиция маълум субъект орқали иқтисодиёт соҳаларидан даромад олиш ёки самарага эришиш мақсадида сарфланаётган экан, уни бевосита ва билвосита даромад келтирувчи инвестицияларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

1.2. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади. Тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар томонидан реинвестиция тариқасида қўшиладиган даромад деганда Ўзбекистон Республикасида инвестициялашдан олинган ҳар қандай маблағ, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва комисион мукофотлар, техникавий ёрдам, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ва бошқа шаклдаги мукофот пуллари тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. -18 б.

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқарқандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

- чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар вачет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг юридик ва(ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқакорхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқамол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

- чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

- мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

- интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш;

- концессиялар, шужумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган еручасткалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ваундан фойдаланиш (шужумладан

ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин. Чет эл инвестициялари бирламчи ёки такроран амалга оширилаётган шаклларининг ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳияти ўзгаришига олиб келмайди. Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари чет эл инвестициялари иштирокисиз таъсис этилган корхонада иштирок этиш улушини (пайини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан хусусийлаштириш жараёнида чет эллик инвестор томонидан сотиб олиниши натижасида ташкил этилиши мумкин. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар,

филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ташкил этилиши мумкин.

Чет эллик инвестор халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- инвестициялашни амалга оширишнинг хажмлари, турлари вайўналишларини мустақил белгилаш;

- инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик вожисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

- ўзининг инвестицияларига ваинвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш вауларни тасарруф этиш. Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқаюридик вожисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқлар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

- Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини чет элларда ва Ўзбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш;

- инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатриация қилиш);

- Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;

- ўз ҳисобварағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиш;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулк ваҳарқандай мулкый ҳуқуқлардан зиммага олган мажбуриятларнинг, шужумладан қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш;

- ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда товон олиш;

- давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарларни ундириш.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир. Чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолияти, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, уларнинг шўъба корхоналари, филиаллари ва бошқа тузилмаларини, шунингдек хўжалик уюшмалари ва бирлашмаларини ташкил этиш, сотиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фондларини шакллантириш, ижара шартномалари ва бошқа шартномаларини тузиш бўйича фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ходимларининг пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда экспорт-импорт операцияларини мустақил равишда амалга оширадilar. Ўзлари

ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилганларида бундай маҳсулот лицензияланмайди ва квоталанмайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни лицензиясиз импорт қилишга ҳақли. Экспортга чиқариладиган ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотини ва корхоналар томонидан ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган маҳсулотни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Чет эллик инвесторлар ва устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулк бож ундиришдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. Чет эллик инвесторларнинг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож ундирилмайди.

Чет эллик инвесторларга ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга тегишли, уларнинг инвестициялари сифатида қўшиладиган ихтироларни патентлаш ва саноат намуналарини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар корхона фондлари рўйхатини, уларни вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш тартибини мустақил равишда белгилайди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ходимларининг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ходимларини ижтимоий суғурта қилиш ва ижтимоий таъминлаш (чет эллик ходимларни ижтимоий суғурта қилиш ва таъминлаш бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қонун

хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкалари сотиб олишлари мумкин. Иморатлар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқага ўтаётганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда шу объектлар билан биргаликда ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Чет эллик инвесторларга мол-мулкни ижарага бериб қўйиш ижарага берувчи томонидан шартномалар асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни ва ҳисоботни амалга оширадилар. Улар бухгалтерия дафтарлари ва ёзувларини Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, шунингдек, ўз хоҳишларига кўра, эркин айрбошланадиган валютада юритадилар. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг мол-мулки ва мулкый ҳуқуқларидан корхона зиммасидаги барча турдаги мажбуриятларини таъминлаш, шу жумладан заём маблағларини жалб қилиш кафолати сифатида фойдаланиши мумкин. Унинг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига, шунингдек жойлашган ер участкалари билан биргаликда уй-жой биноларига бўлган мулк ҳуқуқи, бинолар, иншоотлар, ускуналарга бўлган мулкый ҳуқуқлари ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқларидан мажбуриятларнинг таъмини сифатида фойдаланилиши мумкин. Чет эллик инвестор ўзига мулк ҳуқуқида тегишли барча мол-мулки ва мулкый ҳуқуқларидан, уларнинг қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, ўз мажбуриятларининг таъмини сифатида фойдаланиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин. Давлат рўйхатига олинган санадан эътиборан бир йил ичида ўз устав фондини таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирмаган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, белгиланган тартибда тугатилади. Шу билан бирга ўз устав фондини белгилаган муддатда

таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантира олмаган корхона уни шакллантириб улгурган, аммо қонун ҳужжатларида белгаланган энг кам миқдорлар оз бўлмаган даражада камайтириши ёки ўзини бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантирилиш мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона тугатилганида унинг активларига белгиланган тартибда солиқ солинади. Активларнинг қолган қисми, башарти таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчилари ўртасида уларнинг корхона мол-мулкидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади. Чет эллик инвестор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонадан чиқиб кетган ёки бу корхона тугатилган тақдирда, корхона мол-мулкидаги ўз улуши пул ёки бозор баҳосига мувофиқ равишда товар шаклида қайтарилиши ҳуқуқини олади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қайта ташкил этилган ёки тугатилганда меҳнат шартномалари бекор бўлган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ кафолатланади.

1.3. Корхона инвестиция сиёсатини шакллантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари

Инвестициялар иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар ҳисобланса, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи инвестиция фаолияти деб юритилади. Инвестиция фаолияти тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бир кўринишидир, шунинг учун ҳам тадбиркорликка хос бўлган белгилар, яъни мулкӣ мустақиллик, ташаббускорлик ва таваккалчилик унга ҳам хос бўлган хусусиятдир. Инвестиция фаолиятининг объекти моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш объектлари ҳисобланади.

Инвестиция фаолиятининг субъектларидан бири инвестор бўлиб, у ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкый бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига жалб этишни амалга оширади. Бундай ўзига хос фаолият субъектларининг яна бир катта гуруҳи мавжуд бўлиб, улар инвестиция фаолияти иштирокчилари деб юритилади ва уларнинг асосий вазифаси инвесторнинг буюртмаларини бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминлаш бўлиб ҳисобланади.



1-расм. Инвестиция фаолиятининг иштирокчилари

Инвесторлар буюртмачи (мблағ киритувчи), кредитор, сотиб олувчи бўлишлари, шунингдек инвестиция фаолияти иштирокчиси вазифасини бажарувчи ҳам бўлишлари мумкин. Инвестиция фаолиятини амалга оширувчилар (инвесторлар) қуйидаги белгилари бўйича таснифланади.

1. Жорий фаолиятнинг йўналишлари бўйича институционал ва индивидуал инвесторлар. Институционал инвесторлар ролида саноат, савдо, транспорт, алоқа ва бошқа соҳалардаги акциядорлик жамиятлари намоён

бўлсалар, индивидуал инвесторлар ролида фуқаролар намоён бўлади.

2. Инвестициялаш мақсадлари бўйича стратегик ва бевосита инвесторлар. Улар ўз олдига компанияларни бошқариш ҳуқуқини олишни мақсад қилиб қўядилар. Буни улар бошқа компаниялар акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш ёки уларнинг устав капиталининг катта қисмини эгаллаш орқали амалга оширадилар.

3. Резидентликка тегишлилиги бўйича инвесторлар миллий ва хорижий инвесторларга ажратилади.

Давлатимиз мустақилликка эришган йиллардан бошлаб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш йўлидан бормоқда. Бу йўлда инвестиция сиёсатининг аҳамияти жуда катта. Чунки инвестициялар иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, техник ва технологик янгиланишлар, корхоналарни қайта таъмирлаш ишларини амалга оширишни рағбатлантиради, мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини оширишга имкон яратади.¹⁶ Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ўз тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб бормоқда.



2-расм. Ўзбекистон Республикасининг тузилмавий инвестиция сиёсати¹⁷

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг "Хорижий инвестициялар ҳақида"ги Қонуни, 1998 й., 30-апрел, 3-модда.

¹⁷ Манба: Ё.К.Қориева, И.У.Нематов "Хорижий инвестициялар" фани бўйича таълим технологияси. /"Иқтисодий таълимдаги ўқитиш технологияси" сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2008.

Тузилмавий инвестиция сиёсати ҳудудлар, тармоқлар ва корхона инвестиция сиёсатларидан таркиб топиб, улар ўзаро боғлиқдир. Ҳудудлар инвестиция сиёсати инвестицияни сарфлашда аҳоли, ҳудуд ва инвестор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлатишга имкон берувчи ҳудудда олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуи. Тармоқ инвестиция сиёсати эса бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи тармоқлар, саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмий-техника тараққиётини инвестиция йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Давлат тузилмавий инвестиция сиёсатида янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, аҳолининг истеъмол товарлари, иш жойларга бўлган талабини қисқа вақт ичида юқори даражада таъминлашга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларга амал қилмоқда:

- эскирган ишлаб чиқаришларни секин-аста муомаладан чиқариб ташлаш;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;

- тўлов қобилиятига эга бўлган ва талабга мос ҳолда ишлаб чиқариш тузилмаларини яратиш;

- ишлаб чиқариш ресурсларидан ва илмий-техника салоҳиятидан имкон қадар юқори даражада фойдаланишни таъминлаш;

- мамлакатнинг экологик ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва уни кучайтириш;

- самарали, рақобатга асосланган ишлаб чиқаришлар, бозор инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш соҳаси ва интеллектуал фаолиятлар ривожланишини уйғунлаштириш;

- иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш ва янги тармоқларни барпо этиш;

- аҳолининг иш билан бандлигини ва ҳамда иқтисодий фаоллигини ошириш;

- ҳудудлар ижтимоий инфратузилмасини тўлиқ шакллантириш.

Тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб боришда муҳим стратегиялар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг моҳияти кичик иқтисодий субъектлар ривожланишини қўллаб-қувватлашдан иборат. Мазкур ишларни амалга оширишда хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, инвестиция муҳитини жуда қулайлиги хорижий инвесторлар узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини тузишда асос бўлмоқда. Бундан ташқари, жалб этилган чет эл инвестициялар ва кредитлар учун кафолатлар тақдим этиш, солиқ ва божхона таърифлари бўйича имтиёзлар, заём ва фоиз ставкаларини субсидиялаш каби шарт-шароитлар яратилмоқда, ўнлаб қонуний ҳужжатлар амал қилмоқда.¹⁸

Бозор иқтисодиётида корхона инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асосини талаб этади ва унинг амалга оширилиши давлат томонидан олиб борилади ҳамда бошқарилади. Ўзбекистонда инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатлар 1991 йилнинг январидан кучга кирган «Инвестиция фаолияти»нинг қонуний асослари ҳозиргача бир қанча ҳужжатлар билан мувофиқлаштириб келинмоқда. Шулар жумласидан, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги (1998 йил 24 декабрь, 719-1-сонли), Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрель, 609-1-сонли), Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрелдаги 612-1-сонли) Қонунлари, «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатларини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрелдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестицияли корхоналарни ташкил этиш ва фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1996 йил 31 майдаги УП-1467 сонли Фармони, «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги

¹⁸ Тумусов Ф.С. Инвестиционный потенциал региона: Теория, проблемы, практика. – М.: Экономика, 1999, 13-с.

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 1998 йил 19 январдаги Фармони, «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 9 февралдаги Фармони, «Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантириш тўғрисида»ги 2005 йил 11 апрелдаги Қарори ва Фармонларини келтириш мумкин.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сонли қарорига асосан «Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми ишлаб чиқилди. Мазкур қонун ва фармонлар маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий асосини ташкил этиш билан бирга инвестицион фаолликни ўсишига янги замин яратади.

Ҳозирги даврда ҳам инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш борасидаги бир қатор амалга оширилаётган ишларни мисол келтириш мумкин. Булар жумласига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ - 4053-сонли, “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора – тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ - 4058-сонли, “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сонли Фармонларини киритиш мумкин.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари орасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

- инвестиция жалб қилиш учун халқаро меъёрлар ва конвенцияларга мос келадиган, саноати ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга интилиш;

- республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодиётнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам

берадиган инвесторлар учун очик эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш;

-ишлаб чиқариш билан боғлиқ инвестицияларни киритишга кўмаклашиш;

-мамлакатнинг кредит қобилиятини қўллаб-қувватлаш;

-мамлакатнинг айрим минтақаларида ижтимоий ва экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган инвестицияларни киритишга ёрдам бериш.

1-боб бўйича хулосалар:

«Инвестиция» атамаси лотин тилидаги “invest” сўзидан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «маблағни сафарбар этиш» маъносини беради. Кенг маънода инвестициялар кўпайтириб қайтариб олиш мақсадида капитал сарфлашни билдиради. Кўпгина ҳолларда «инвестиция» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. иқтисодиётда инвестициялар капиталнинг жамғарилиш жараёнидир. Молия назариясида инвестициялар реал ёки молиявий активларни олишдан далолат беради ва келажакда кутилган даромадларга эришиш мақсадларида қилинган ҳозирги харажатлардан иборат. Ҳозирга қадар «инвестиция» тушунчаси моҳиятини иқтисодчи олимлар турлича талқин қилиб келадилар. Айрим иқтисодчилар уни «тадбиркорлик фаолиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этилган барча турдаги бойлик» деб тушунсалар, айримлари лотинча «invest» сўзининг айнан таржимаси «солиш» деган маънони билдиришидан келиб чиққан ҳолда «капитал солиш» билан бир хил таърифлайдилар.

Давлатимиз мустақилликка эришган йиллардан бошлаб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш йўлидан бормоқда. Бу йўлда инвестиция сиёсатининг аҳамияти жуда катта. Чунки инвестициялар иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, техник ва технологик янгиланишлар, корхоналарни қайта таъмирлаш ишларини амалга оширишни

рағбатлантиради, мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини оширишга имкон яратади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ўз тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб бормоқда. Тузилмавий инвестиция сиёсати ҳудудлар, тармоқлар ва корхона инвестиция сиёсатларидан таркиб топиб, улар ўзаро боғлиқдир.

Бозор иқтисодиётида корхона инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асосини талаб этади ва унинг амалга оширилиши давлат томонидан олиб борилади ҳамда бошқарилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари орасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

- инвестиция жалб қилиш учун халқаро меъёрлар ва конвенцияларга мос келадиган, саноати ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга интилиш;

- республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодиётнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам берадиган инвесторлар учун очик эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш;

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ инвестицияларни киритишга кўмаклашиш;

- мамлакатнинг кредит қобилиятини қўллаб-қувватлаш;

- мамлакатнинг айрим минтақаларида ижтимоий ва экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган инвестицияларни киритишга ёрдам бериш.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиявий раўбатлантириш воситалари

Ҳозирги даврда инвестиция муносабатлари капиталларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш борасидаги муносабатларни қамраб олади ва нафақат миллий иқтисодиёт доирасида, балки халқаро иқтисодиёт даражасида ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш жараёнларини акс эттиради.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида инвестиция муносабатларида ҳам давлатнинг, ҳам ўз манфаатларини амалга оширадиган субъектлар иштирок этиши сабабли улар мулкчилик хусусидаги муносабатлар мажмуидан иборат бўлади. Халқаро инвестиция муносабатлари айрим мамлакатлар, корпорациялар, компаниялар, халқаро молия ва кредит муассасалари, якка инвесторлар ва шу қабилар манфаатларининг рўёбга чиқишини ифода этади.


Республикада кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш шароитларида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: ижтимоий ва хусусий манфаатларни; айрим мамлакатлар, корпорациялар, халқаро молия институтлари, якка инвесторлар манфаатларини тўғри аниқлаш; уларнинг ўзаро мақбул нисбатларини келишиб олиш; уларни ҳаётда рўёбга чиқаришнинг тенг ҳуқуқий шароитлари ва қафолатларини белгилаш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ТХИни янги лойиҳаларга ва қўшма корхоналарга жалб этишга қаратилиши лозим. Шунингдек, тартибга солиш хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутди. Бунда чет эл

инвестициялари, шу жумладан тўғридан-тўғри хусусий сармоялар оқиб киришини рағбатлантириш, шунингдек миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўринда туради. Шундай қилиб, тартибга солишнинг вазифаси, бир томондан, ТХИ оқимини оширишдан, иккинчи томондан, миллий иқтисодиётдаги хусусий мулкчилик субъектларининг қўйилмаларини кенгайтиришдан иборат бўлади.

Маълумки, инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам қамраб олади. Давлат харажатларини молиялаштириш учун турли даражадаги бюджетларга зарур маблағлар тушумларини таъминлашга қаратилган фискал вазифанинг бажарилиши, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Тартибга солиш функциясини ишлатилиши давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида айрим тармоқларга инвестициялар оқимларини бошқариши билан амалга оширилади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг турли соҳаларида капитал жамғарилиши жараёнларини кучайтириш ёки сусайтириш, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтириш ёки қисқартириш йўллари билан тартибга солиш функцияси фойдаланилади.

Солиқларни тартибга солиш макроиқтисодий жараён ва пропорцияларга таъсир этишига қаратилади. Солиққа тортишда имтиёзлар, асосан, микроиқтисодиётга қаратилган ва иқтисодий субъектлар манфаатларини ҳисобга олади. Юқорида кўриб ўтган функциялар солиқ ставкалари миқдорини ўзгартириш, имтиёзлар ва санкциялар (жазо чоралари) қўллаш, солиқ кредитлари бериш, тўлов муддатларини кечиктириш ва бошқа йўللари билан амалга оширилади (3-расм).



3-расм. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш воситалари

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда солиқларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган тартибга солиш функциясидан самарали фойдаланилади. Масалан, Япония, Тайвань, Жанубий Кореяда ўтиш даврида солиқ протекционизмдан унумли фойдаланилган. АҚШда «буюк депрессия»ни бартараф этиш даврида ҳам худди шундай бўлган.

Фан-техника тараққиётини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари турларидан бири инвестиция солиқ кредити ҳисобланади. АҚШда солиқ имтиёзининг бу тури 1962 йилдан то 1986 йилга қадар қўлланилган. Бунда чегирма миқдори ускуна-жиҳозлар тури ва уларнинг хизмат муддати бўйича табақалаштирилган. Бу имтиёзнинг вариантларидан бирида АҚШ ишлов берувчи саноатидаги корпорациялар фойда солиғини ишга туширилган ва хизмат муддати 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ускуналар қийматининг 7 фоизи миқдорида, хизмат муддати камроқ бўлган ускуналарни ишга туширилганлик учун камроқ миқдорларда қисқартириш ҳуқуқини олдилар.

Японияда, масалан, саноат компаниялари илғор техника ва технологияга қилинган инвестицияларнинг 7 фоизига тенг миқдорда фойда солиғини қисқартириш ҳуқуқига эга. Канадада бундай чегирма илғор техникага қилинган инвестицияларнинг 7 дан 20 фоизигача миқдорини ташкил қилади.

Солиқ кредити кўринишидаги имтиёзлар тадбиркорликнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар (ИТТКИ) ҳаражатларига татбиқан ҳам кенг қўлланилади. Бир қатор мамлакатларда солиқ кредити компанияларнинг фойда солиғидан бу компанияларнинг ўтган йил ёки базис давр учун ўртача йиллик меъёрларга нисбатан ИТТКИ ҳаражатлари ўсишининг муайян ҳиссасини чегириш кўринишида амал қилади (АҚШда – 20 фоиз, Францияда – 50 фоиз, Японияда – 20 фоиз, Канадада 100 фоиз ва ундан юқори).

Ғарб мамлакатларида солиқ имтиёзлари, биринчи навбатда инвестициялар ва илмий техника фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек айрим тармоқлар ва минтақаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш

учун жорий қилинади. Уларнинг ёрдамида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш, техника билан қайта жиҳозлаш учун шароитлар яратилади. Инвестиция, илмий-техника фаолиятини, тадбиркорликни бутун мамлакат доирасида, минтақа миқёсида ва айрим фаолият соҳалари бўйича рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ имтиёзлари энг барқарор имтиёзлар ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодий ривожланган кўпгина мамлакатлар фақат капитални эмас, балки ишлаб чиқаришни ҳам ўз мамлакати чегараларидан четга чиқаришни афзал кўрадилар. Шубҳасиз, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун тегишли солиқ имтиёзлари, чет эллик инвесторларнинг мулкчилик ҳуқуқини кафолатлаш, фойдани олиб чиқиб кетиш шартларини белгилашда, чет эллик инвесторларнинг мулкчини баҳолаш, солиққа тортиш, даромадларни тақсимлаш, инфратузилмани барпо қилишда ва божхона сиёсатини олиб боришда имтиёзлар зарур. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш бўйича реал амал қиладиган механизмлар бўлмаса чет эл капитали оқимининг кўпайишига умид боғлаб бўлмайди.


Чет эллик инвесторлар инвестициялар киритиш тўғрисида қарор қабул қилар экан, биринчи навбатда ўзларининг манфаатлари ва мақсадларидан келиб чиқади. Бунда улар мижоз мамлакатдаги мавжуд турли-туман қўшимча рискларни ҳам ҳисобга оладилар.

Ўзбекистонда чет эл инвестициялари давлат томонидан ва қонун билан ҳимоя қилинади. Инвестициялашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ишлаб чиқилган, инвестиция фаолияти соҳасида республика томонидан имзоланган халқаро шартномалар принципларига мувофиқ чет эл инвестицияларини амалга оширишнинг базавий шартлари белгиланган. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунида чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикасининг худди шундай жисмоний ва юридик шахслари учун тегишли режимдан ноқулайроқ бўлиши мумкин эмаслиги

белгилаб қўйилган. Мамлакатда чет эллик инвесторларга кенг имкониятлар яратилган, чунончи, инвестиция мақсадларида ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар, ускуна-жиҳозлар, уй-жой сотиб олиш, ерни узоқ муддат ижарага олиш, хусусийлаштириш дастурида қатнашиш ҳуқуқлари берилган. Чет эллик инвестор инвестиция натижалари ва объектларига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Яна шу жумлага реинвестиция ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида ва ундан ташқарида савдо операциялари ўтказиш ҳуқуқи ҳам киради.

Кейинги йиллардаги тадқиқотлар Ўзбекистоннинг ялпи инвестициялари ҳажмида аҳоли ҳиссаси ғоят паст бўлиб қолаётганлигини, бюджет орқали қайта тақсимланадиган ЯИМ ҳиссаси юқори эканлигини кўрсатади, бу эса инвестицияларни солиқлар воситасида рағбатлантириш йўқлигидан далолат беради. Шу муносабат билан инвестиция фаоллигини жонлантириш учун солиққа тортиладиган базани кенгайтириш, солиқ ставкаларини камайтириш, иқтисодий ва молиявий усуллар, шунингдек инвестиция фаолиятини тартибга солиш воситалари таъсирини кучайтириш талаб этилади.


Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни лицензия олмай экспорт қилиши ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотларни импорт қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар чет эллик ходимларининг шахсий эҳтиёжлари учун келтириладиган мол-мулк божхона божлари тўлашдан озод қилинган. Савдо-иқтисодий режимнинг умумий принципларини ва инвестициялар соҳасида ҳамкорликни тартибга соладиган халқаро шартномалар тизимининг шаклланаётганлиги муҳим омилга айланмоқда. Ўзбекистон жаҳондаги кўпгина етакчи мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида шартномаларни имзолаган.



4-расм. Хорижий инвесторларга Ўзбекистон ҳудудида бериладиган кафолатлар

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан қуйидагилар таъминланади: инвестиция фаолиятининг миллий ва чет эллик субъектлари учун барча қулайликлар; чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларининг давлат кафолатлари, зарур ҳолларда қўшимча кафолатлар ва химоя тадбирлари; миллийлаштиришдан, маблағлардан фойдаланиш кафолатлари; маблағларни ўтказиш кафолатлари, инвестиция фаолияти тўхтатилиши муносабати билан чет эл инвестицияларини қайтариш кафолатлари; очиқ ахборотлардан эркин фойдаланиш (4-расм).

Монетар сиёсатнинг кучайтирилиши, корхоналар молиявий аҳволининг барқарор эмаслиги корхона ва жисмоний шахслар маблағларидан молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига ўз таъсирини кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция лойиҳаларини тузиш ва уларни молиялаштириш омилларини қуйидаги тасвирлаш мумкин (5-расм).



5-расм. Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция лойиҳаларини тузиш ва уларни молиялаштириш омиллари

Ўзбекистонда ҳам инвестиция лойиҳаларни тузиш ва молиялаштириш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг негизида иккита асосий омил ётади:

1. Иқтисодий барқарорлик;
2. Инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта сўмнинг тўлов қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

2.2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзларини қўллаш хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларида инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корхоналарнинг ўз ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланади. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг корхоналар учун самарали бўлишига иқтисодий инфратузилманинг марказий бўғини бўлган солиқлар механизми ҳисобланади. Чунки солиқлар ҳам, ҳар бир корхона миқёсида тузилган инвестиция лойиҳаларнинг иқтисодий самараси тақдирини ҳал қилишда асосий ўринни эгаллайди.

Таъкидлаш ўринлики, солиқ қонунчилигида солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзларини таҳлил этадиган бўлсак, энг кўп имтиёзлар айнан хорижий инвестицияларнинг жалб этилганлиги билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзларини қўллаш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Қуйида ана шу жараёнларни кўриб чиқамиз.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ¹⁹ қуйидаги:

1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникасига бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш
2. Енгил саноат

¹⁹ Тўғридан - тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 48-49-сон, 554-модда

Тайёр ип газлама, жун газлама ва аралаш газламалар, шунингдек трикотаж газлама ишлаб чиқариш

3. Ипакчилик саноати

4. Қурилиш материаллари саноати

5. Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш:

6. Озиқ-овқат саноати

7. Гўшт-сут саноати

9. Кимё саноати

10. Нефть-кимё саноати

11. Тиббиёт саноати, шунингдек ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш

12. Қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш

13. Муқобил энергия манбалари негизида электр станциялари қуриш

14. Кўмир саноати

15. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш

16. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш

17. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати

18. Шиша ва чинни-фаянс саноати

19. Микробиология саноати

20. Ўйинчоқлар ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этувчи корхоналар қуйидагиларни тўлашдан озод этилади:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини;

- мол-мулк солиғини;

- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини;

- ягона солиқ тўловини;

- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни.

Ушбу иқтисодиёт тармоқлари рўйхати бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга ҳисобот йили якунига маҳсулот ишлаб чиқаришдан тушумнинг улуши реализациянинг умумий ҳажмида 60 фоиздан кам бўлмаган корхоналар киради. Қайд этилган солиқ имтиёзлари иқтисодиёт тармоқлари рўйхати бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган бутун корхонага татбиқ этилади.

Мазкур солиқ имтиёзлари:

а) тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларнинг ҳажми қуйидагиларга тенг (эквивалент) бўлганда тақдим этилади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача — 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача — 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга;

б) қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:

- корхоналарни республиканинг барча шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш,

- хорижий инвесторлар томонидан хусусий тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

- корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 33 фоизни ташкил этиши лозим;

- хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

- мазкур имтиёзларнинг қўлланилиши муддати давомида имтиёзлардан олинган даромаднинг камида 50 фоизини корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш;

в) кейинги қонун ҳужжатларида инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда қанча муддатга берилган бўлса, ана шу муддат мобайнида амал қилади.

Солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзларни қўллаш кўрсатилган имтиёзларнинг тақдим этилиши учун белгиланган мезонларга мувофиқ келадиган корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади.

Агар корхона юқорида қайд этиб кўрсатилган имтиёзларни тақдим этиш учун белгиланган мезонларга ушбу корхона барпо этилгандан (давлат рўйхатидан ўтказилганидан) кейинги даврларда мувофиқ келса, ушбу корхона имтиёзларни тақдим этиш учун белгиланган мезонларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳолатлар юзага келган санадан бошлаб имтиёзни қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда, имтиёздан фойдаланиш муддатини ҳисоблаш имтиёзни қўллаш учун корхона белгиланган мезонларга мувофиқ келадиган ҳолатлар юзага келган санадан бошлаб бошланади, бироқ имтиёзларни қўллаш бошланган санадан бошлаб етти йилдан кўп бўлмаган муддатга.

Имтиёзга доир ҳуқуқ фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда устав капиталларини (фондларни) шакллантирган корхоналарга тақдим этилади. Бунда корхона белгиланган имтиёзларни ўз устав капиталини (фондини) шакллантириши лозим бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган давр учун қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўз устав капиталларини (фондларини) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда шакллантирмаган корхоналарда, қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда ўз устав капиталларини (жамғармаларини) шакллантирмаган, чет эл инвестициялари қатнашган корхоналардан солиқларни ундириш имтиёзлар тақдим этилган солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлиқ миқдорда ва фаолиятнинг бутун даври учун имтиёзларни қўлламасдан тўлаш бўйича мажбуриятлар юзага келади.

Солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзларни тақдим этиш натижасида олинган даромаднинг камида

50 фоизи, уларни қўллаш муддати мобайнида, корхонани янада ривожлантириш мақсадида такрорий инвестициялашга йўналтирилади.

Корхона кўрсатилган имтиёзларни тақдим этиш учун белгиланган талабларига мос келмай қолиш фактлари аниқланганда, корхона белгиланган талабларга мос келмаган давр учун солиқлар ва мажбурий ажратмалар умумбелгиланган тартибда, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкцияларни қўллаган ҳолда тўланади.

Бунда, агар кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланувчи корхонада имтиёзларни қўллаш даврида киритилган тўғридан-тўғри хусусий инвестициялар суммаси камаймаган ҳолда хорижий инвесторнинг улуши корхонанинг устав фондида 30 фоиздан камайса, шунингдек белгиланган бошқа талабларга мувофиқлиги сақланса, бундай корхоналар учун имтиёзларнинг амал қилиши сақланади. Хорижий инвестор томонидан имтиёзларнинг амал қилиш муддати мобайнида фойдани репатриация қилиш ва капитални олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда фойдани репатриация қилиш ва капитални хорижий инвестор томонидан олиб чиқиб кетиш фақат фойдани репатриация қилиш ва хорижий инвестор томонидан капитални олиб чиқиб кетишдан олдинги давр учун тақдим қилинган имтиёзлар суммаси бюджетга қопланганидан кейингина амалга оширилади. Имтиёзлар олган корхонанинг фаолияти улар тақдим этилган муддат тугашидан кейин бир йилдан камроқ вақтда тугатилган тақдирда фойдани репатриация қилиш ва хорижий инвесторнинг капиталини хорижга олиб чиқиб кетиш фақат бюджетга тақдим этилган имтиёзларнинг суммалари қопланганидан кейингина амалга оширилади.

Солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзларни қуйидаги тартибда тақдим этилади:

Белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлаш учун корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органини ёзма равишда имтиёзларни қўллаш санаси бошланиши ҳақида белгиланган шаклга

мувофиқ шаклда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилади:

- адлия органлари томонидан берилган, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси;

- инвестициялар Ўзбекистон Республикасининг кафолатини тақдим этмасдан амалга оширилаётганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тасдиқномаси.

Янги ташкил этилаётган корхона, юқорида айтилган ҳужжатларга қўшимча тарзда, йил мобайнида корхонани рўйхатдан ўтказган адлия органининг унинг тўлиқ шакллантирилган устав капитали (фонди) ва корхонанинг устав капиталида (фондида) хорижий инвесторнинг улуши тўғрисида тасдиқнома тақдим этади. Давлат солиқ хизмати органлари тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилгандан кейин белгиланган имтиёзлар татбиқ этиладиган корхонани имтиёзларга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар реестрига киритиб, унда корхонанинг номи, имтиёзли давр муддати ва имтиёзлар суммасини кўрсатади. Ушбу имтиёзлар татбиқ этиладиган корхоналар, ҳисобот йили якуни бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш билан бир вақтда, давлат солиқ хизмати органларига тегишли шаклда солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича татбиқ этилган имтиёзлар суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади. Имтиёзларни қўллаш ҳуқуқи йўқотилган тақдирда корхона солиқ даври мобайнида рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органини белгиланган тартибда имтиёз ҳуқуқи йўқотилган сана тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Имтиёзларга эга бўлган корхоналар йиғма реестрини юритади ва ҳар йили уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 апрелигача бўлган муддатда тақдим этади. Солиқ тўловчилар тақдим

этилган имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаб чиқариш учун жавобгар бўлади.

2.3. Ўзбекистонда корхоналарнинг инвестиция фаолиятини солиқ тизими орқали рағбатлантириш стратегияси

Мамлакатимизда солиқ сиёсатининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилиши натижасида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини иқтисодий ривожланишнинг даражасига монанд ҳолда босқичма-босқич камайтириб борилди, солиқ қонунчилиги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ тизими орқали рағбатлантириш ортди, реал сектор корхоналарини, шунингдек, экспортёр корхоналар фаолияти ҳамда миллий иқтисодиётга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш жараёнлари кучайтирилди, банкларнинг капиталлашувини оширишда солиқларнинг рағбатлантирувчи роли оширилди, солиқ маъмурчилиги янада такомиллаштирилиб, турли назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини қисқартирилиши, шунингдек, солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботларини тақдим этиш таомиллари соддалаштирилди.

Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш, солиқ юкини пасайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. 2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ

ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди ²⁰.

Ўзбекистонда солиқ юки бундан ўн йил олдин ЯИМга нисбатан (мақсадли жамғармаларни ҳисобга олмаган ҳолда) 27,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса 6,3 пунктга камайди ва ЯИМга нисбатан 21,6 фоизни ташкил этди. 2013 йилда эса солиқ юкининг умумий даражаси яна 0,3 пунктга камайтириш, яъни 21,3%гача тушириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бирок, ушбу кўрсаткични дунёнинг ривожланган ва бошқа бир қатор давлатлардаги ҳолатга эътибор берадиган бўлсак, Республикамизда олиб борилаётган солиқ сиёсати жуда мўътадил ҳолатдалигини англаш қийин эмас.

1-жадвал

Дунёнинг айрим давлатларида солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда

Давлатлар ва уюшмалар номи	Солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда	Ўзбекистондаги солиқ юкининг бошқа давлатлардаги ҳолат билан қиёсий даражаси
АҚШ	32,3	1,5 марта паст
Европа иттифоқи давлатлари	42,6	2,0 марта паст
Лотин Америкаси давлатлари	47,2	2,2 марта паст
ИХРТга аъзо давлатлар	35,9	1,7 марта паст
Жанубий Осиё давлатлари	40,2	1,9 марта паст
Шарқий Осиё давлатлари	34,5	1,6 марта паст
Марказий Осиё давлатлари	40,5	1,9 марта паст
Россия Федерацияси	34,1	1,6 марта паст
МДХга аъзо давлатлар	25,2	1,2 марта паст
Дунё давлатлари бўйича ўртача	44,7	2,1 марта паст
Ўзбекистон	21,6	х

Манба: www.worldtax.org, www.worldwide-tax.com, www.taxworld.org интернет сайтлари маълумотлари.

²⁰ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

Жадвалдан кўринадики, Республикамизда солиқ юки дунё бўйича ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари, Лотин Америкаси давлатларидаги ўртача даражадан 2,1 мартага паст кўрсаткичга эга. Шунингдек, МДХга аъзо давлатлардаги ўртача солиқ юкининг ҳам нисбатан пастлигига Республикамиздаги солиқ юки даражаси катта таъсирга эга. Чунки, Россияда бу кўрсаткич 34,1%ни, Белоруссияда 27,6%ни, Украинада 25,3%ни ташкил этади²¹.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки кунлариданоқ, миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этишни рағбатлантиришда солиқ тизимидан самарали фойдаланилмоқда. Бугунги кунда асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ялпи ички маҳсулотнинг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этишида берилаётган солиқ имтиёзлари катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги ишлар 2012 йилда ҳам давом эттирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан

²¹ Манба: www.worldtax.org.

ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш учун корхоналарга қўйилган талабларга ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Масалан, аввал мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш лозим эди. Эндиликда эса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари барча ҳудудларда бундай корхоналарни ташкил этиш мумкин. Шунингдек, имтиёздан фойдаланиш учун аввал корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим эди, энди бу кўрсаткич 33 фоиз қилиб белгиланди.

Бундан ташқари, мазкур имтиёзларни қўллаш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни тўлиқ корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш лозим эди, энди 50 фоизи ушбу мақсадга, қолган қисм эса ихтиёрий тасарруф этилиши мумкин.

Бу чора-тадбирлар ўз навбатида Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган турли шаклдаги инвестициялар оқимининг йилдан-йилга ошиб боришини таъминламоқда. 2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами

инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.²²

2-жадвал

2012 йил давомида республикаимиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар

Жалб қилинган хорижий инвестициялар умумий миқдори (млн.долл):	3718,65
I. Давлат инвестиция дастури доирасида жами	3277,55
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;	2526,56
Хукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар.	750,99
II. Худудий инвестиция дастури доирасида: (<i>тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i>)	441,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (3-жадвал).

²² И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

2005-2012 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши (фоизда)

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўринадик, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2013 йилда 4,8 фоизга қадар пасайиш режалаштирилган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 19,2 фоиздан 23,2 фоизга қадар кўтарилиши режалаштирилган. 2012 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 4,5 фоиз; чет эл инвестициялари 25,5 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 42,6 фоизни ташкил этган.

Ушбу кўрсаткичлар маълум даражада корхоналарнинг инвестиция фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш натижасидир. «Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, – дея қайд этади Президентимиз И.А.Каримов ўз асарида, – ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсати қанчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди»²³.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада оширишни рағбатлантириш кўлами янада оширилди. Шу

²³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 18-19-б.

борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сон Қарори қабул қилиниб, ушбу қарорга мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналарга сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтирилаётган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистонда корхоналарнинг фойдасидан олинadиган солиқ ставкаси кўпчилик дунё мамлакатларига нисбатан анча кам. Дунё давлатларининг аксарияти амалга оширилаётган солиқ сиёсатида фискаллашув даражасининг ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин (4-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, корхоналарнинг фойдасидан олинadиган солиқ ставкасини Ўзбекистондаги даража билан солиштирадиган бўлсак, Республикамизда ўрнатилган фойда солиғи ставкаси (9 фоиз) жадвалда келтирилган 20 давлатларга нисбатан бир неча марта камлиги билан изоҳланади. Шунингдек, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи энг юқори ставкалари бўйича ҳам Республикамиздаги (энг юқори табақалаштирилган 22 фоиз) солиқ ставкаси аксарият давлатлари ўрнатилган солиқ ставкасига нисбатан анча паст.

Ўтган 2012 йилдаги тадбиркорлик субъектларини молия-кредит механизмлари орқали қўллаб-қўвватлашнинг муҳим йўналишларидан бири уларнинг фаолиятига солиқ ва бошқа соҳадаги текширувларни қисқартириш ҳамда улар томонидан солиқ ва бошқа тусдаги ҳисоботларни топшириш тартиб таомилларини соддалаштирилганлигидир.

Дунёнинг айрим давлатларида корхоналардан олинадиган фойда ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Давлатлар	Корхоналардан олинадиган фойда солиғи ставкалари, %	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг юқори ставкалари, %
АҚШ	35	35
Буюк Британия	28	50
Германия	15	45
Франция	33,3	41
Греция	20	45
Ҳиндистон	20	30
Португалия	25	30
Норвегия	28	25
Испания	30	21
Голландия	25	15
Швеция	26	30
Австрия	25	25
Дания	25	27
Япония	25,5	20
Жанубий Корея	22	20
Туркия	20	15
Белгия	34	25
Италия	27,7	43
Люксембург	21	15
Бразилия	15	25

Манба: www.worldwide-tax.com.

Бу борадаги муҳим тадбирлардан бири Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармонлари билан солиқ ҳисоботларининг сонининг қисқатирилганлиги, уларни топшириш даврийлигини узайтирилганлиги

хамда турли хил йиғимларнинг бекор қилинганлиги ёки камайтирилганлигидир.

Мазкур фармон билан жорий йилнинг 1 августидан лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), шу жумладан, уларни бекор қилиш ва бирлаштириш йўли билан қисқартирилди. Хусусан, қимматбаҳо металл ва тошлардан заргарлик буюмларини тайёрлаш, аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш, ички ва халқаро ҳаво йўналишларида йўловчилар ва юк ташишни амалга ошириш ва бошқа фаолият турларини лицензиялаш бекор қилинди. Шу билан бирга айрим фаолият турлари ягона лицензияланадиган фаолият турига бирлаштирилди. Шунингдек, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 80 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз) бекор қилинди.

Қуйидагилар бўйича имтиёзлар берилди:

- маданий бойликларни реализация қилишда қатнашиш учун рухсатнома;
- суғурталовчиларни тугатиш учун рухсатнома;
- қимматбаҳо қўғозлар савдосини ташкил этиш қоидаларини келишиш;
- тадбиркорлик субъектларининг муҳр ва штампларини тайёрлаш учун рухсатнома;
- тадбиркорлик субъектининг муҳр ва штампларини йўқ қилиш тўғрисидаги квитанция;
- божхона тўловлари.

Шартли чиқариб юборилган товарлар ва транспорт воситаларидан, ана шу имтиёзлар нима муносабат билан берилган бўлса, улардан фақат шу мақсадда ёки божхона органининг бошқа мақсадларда берган рухсати билан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш учун рухсатномалар бекор қилинди ва унинг оқибатида тадбиркорлик субъектларининг ортиқча вақт сарфлашига

барҳам берилган бўлса, ўз навбатида ушбу ҳужжатларни олишга сарфланадиган мабалағлари тежадиган бўлди.

Шунингдек, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ноширлик фаолияти, қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолияти, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилди. Бунда ушбу фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддати чекланмаган деб белгиланди.

2012 йилдаги солиқ сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва оилавий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга кенг эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарорига мувофиқ, Молия-банк, маиший ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар 2017 йил 1 январигача фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди. Шунингдек, 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб агар имтиёзлар берилган хизмат турларини кўрсатишдан тушган тушум умумий тушум ҳажмида 80 ва ундан юқори фоизни ташкил этса, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар микрофирма ва кичик корхоналарнинг барча даромадларига татбиқ этилди. Оилавий бизнесни юритишга кенг йўл очиб бериш мақсадида оилавий корхоналар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунарамандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан 2014 йил 1 январгача озод қилинди. Хизмат турлари бўйича берилган солиқ имтиёзлари қуйидаги жадвалда келтирилган (5-жадвал).

5-жадвал

2017 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан имтиёз ҳуқуқига эга хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар

Хизмат турлари		
Молия банк хизматлари	Маиший хизматлар	Бошқа хизматлар
- лизинг бўйича хизматлар; - суғурта бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг хизматлари; - аудиторлик хизматлари; - бухгалтерлик ҳисобини юритиш бўйича хизматлар; - микрокредитлаш бўйича хизматлар; - солиқ маслаҳати хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар	- чарм буюмлари ва пойафзал таъмирлаш хизматлари; - соатсозлик ва таъмирлаш хизматлари; - маиший электрон ва электр асбобларига техник хизматлар кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар	- ветеринария хизматлари; - таълим соҳасидаги, компьютерда ишлашга ўқитиш хизматлари; - санаториялар, болалар соғломлаштириш муассасалари, болалар спорт секциялари ва муассасалари хизматлари; - ногиронлар, қариялар ва болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ ижтимоий хизматлар; - риэлторлик хизматлари - ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва электрон таълим хизматлари

Ушбу ҳужжатларга кўра 2013 йилдан бошлаб эса солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинадиган солиқ қарзларининг энг кам меъёрлари белгилаб берилди. Унга кўра, Солиқ кодексида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик шахслар ва уларнинг қуйи тузилмалари учун солиқ қарзлари ЭКИХнинг 20 бараваригача (яъни, 1591800 сўмгача), жисмоний шахсларнинг солиқ қарзлари ЭКИХнинг 5 бараваригача (яъни, 397950 сўмгача) бўлган ҳолларда ушбу солиқ қарзларини мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинмаслиги белгиланди. Ушбу меъёрнинг киритилиши, бир томондан ҳозирда суд тартибида ундирилаётган

унча катта бўлмаган солиқ қарзи бўлган солиқ тўловчиларнинг чиқимларини камайтирса, иккинчи томондан солиқ органларининг ушбу қарзларни ундириш бўйича харажатларини ҳам қисқартиради.

Бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига берилаётган эътибор, хусусан, берилаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялар соҳанинг тараққийлашишида, иқтисодиёт ўсишидаги улушининг кўпайишида намоён бўлмоқда.


2005 йилдан амалда бўлган, соддалаштирилган тартибдаги ягона солиқ тўлови тадбиркорларга катта қулайлик яратди. Агар ягона солиқ тўловининг аввалги тартибдаги солиқ солишда 1996 йилда солиқ ставкаси 38 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб ягона солиқ тўлови 6 фоизни ташкил қилди ёки 1996 йилга нисбатан 6,3 марта қисқарди. 2012 йилдан эса саноат соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоизни ташкил қилди. Ягона солиқ тўлови ставкасининг бу қадар туширилиши корхоналар фойдаларини сезиларли равишда оширди. Бунга биргина мисол, 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши натижасида қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағ корхоналарнинг ўзида қолди. Бу эса ушбу маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имконини берди. Шу билан бир қаторда корхоналар фойдасини ҳам оширди²⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чоралар-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1464-сонли Қарорига асосан, тижорат банкларида кичик бизнес субъектларига кредитларни ажратишда гаровга қўйилган мулкни расмийлаштириш билан

²⁴ Хайдаров А. Ўзбекистонда солиқ ислохотлари //Газета “Биржа”, №70(1481) 16 июня 2012 г. - <http://www.idbirja.uz/ru/gazeta-birja/3353-ozbkistonda-soliq-islohotlari>

боғлиқ харажатларни кредитнинг умумий суммасида акс эттириш амалиёти жорий қилинди.

2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкалари пасайишига ва ажратиладиган кредитнинг ўсишига олиб келди (3-расм).



3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар, млрд. сўм.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, 2012 йилда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн. 346 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестицион лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштиришга ихтисослаштирилган жамғарма ташкил этилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли

Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди. Хусусан:

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди. Бунга асосан, жорий йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, уларнинг ҳажмини 24 млрд. сўмдан ошириш чоралари кўрилди. Ушбу кредитлар асосан узоқ ва чекка, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб қувватлашга ажратилган кредитларнинг 1 трлн. 172 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди (4-расм).



4-расм. Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси, млрд. сўм.

2012 йил давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 48,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

2-боб бўйича хулоса:

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ТХИни янги лойиҳаларга ва қўшма корхоналарга жалб этишга қаратилиши лозим. Шунингдек, тартибга солиш хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутди. Бунда чет эл инвестициялари, шу жумладан тўғридан-тўғри хусусий сармоялар оқиб киришини рағбатлантириш, шунингдек миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўринда туради.

Маълумки, инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам қамраб олади.

Тартибга солиш функциясини ишлатилиши давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида айрим тармоқларга инвестициялар оқимларини бошқариши билан амалга оширилади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг турли соҳаларида капитал жамғарилиши жараёнларини кучайтириш ёки сусайтириш, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтириш ёки қисқартириш йўллари билан тартибга солиш функцияси фойдаланилади.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда солиқларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган тартибга солиш функциясидан самарали фойдаланилади. Ғарб мамлакатларида солиқ имтиёзлари, биринчи навбатда инвестициялар ва илмий техника фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек айрим тармоқлар ва минтакаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун жорий қилинади. Уларнинг ёрдамида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш, техника билан қайта жиҳозлаш учун шароитлар яратилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларида инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корхоналарнинг ўз ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланади. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг корхоналар учун самарали бўлишига иқтисодий инфратузилманинг марказий бўғини бўлган солиқлар механизми хисобланади. Чунки солиқлар ҳам, ҳар бир корхона миқёсида тузилган инвестиция лойиҳаларнинг иқтисодий самараси тақдирини ҳал қилишда асосий ўринни эгаллайди.


3-БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг ролини ошириш

Иқтисодиётимизда амалга оширилган кенг кўламли тизимли ислохотлар, мамлакатимизни модернизациялаш борасида татбиқ этилган инновацион усуллар, давр нуқтаи назаридан қабул қилинган қонунлар, чиқарилган фармонлар, қарорлар барча соҳаларда Ватанимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “2012-йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур”²⁵. Дарҳақиқат ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, иқтисодиётни диверсификациялаш мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини, инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали таъминланади.

Статистик рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, 2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. 2012 йилда хорижий инвестициялар хажми 3277,55 миллион АҚШ долларни ташкил этган бўлса, булардан 2526,56 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир, яъни 79 фоизидан кўпроғи демакдир (5-расм)

²⁵ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. - “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).



5-расм. 2008-2013 йиллар давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг ўзлаштириш динамикаси (млн. АҚШ долл.)²⁶

Ўзбекистон 2013 йилда бизнес учун (яратилган шароитлар, хусусан, қўшма корхоналар учун солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар) дунёдаги энг истиқболли 20 та давлат қаторига қўшилган Марказий Осиёда ягона давлат бўлди. Бу хабарни хорижий оммавий ахборот воситалари Буюк Британиянинг таваккалчиликларни таҳлил қилиш билан шуғулланадиган “Maplecroft” консалтинг компанияси хулосасига асосланган ҳолда эълон қилди.

Мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган инқирознинг салбий оқибатларига нафақат ишончли тарзда бардош бермоқда, балки макроиқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръатларини сақлашга эришмоқда. Айниқса, инвестиция соҳасида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар эътиборга молик. Истиқлол йилларида мамлакатда самарали қонунчилик

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

базаси, хорижий сармоядорлар учун кенг кўламли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар мажмуи яратилди, хориж капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни келтириш ўринли:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техник-технологиялар жорий қилиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлашга кўмаклашади;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва техник қайта қуrollанади;

бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналар барпо этилади²⁷.

Юртимизда олиб борилаётган оқилона ва узоқ муддатга мўлжалланган инвестицион сиёсат натижасида 2012 йилда жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгिलाшга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди. Айни дамда ҳукуматимиз томонидан минтақаларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ички ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда (6-расм).

²⁷ Алматова Д. Минтақаларда инвестициялар жалб этишнинг муҳим йўналишлари. “O’ZIA” - “ЭВУ” 1/2012.



6-расм. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ички ресурслардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли қарорининг 1-иловасида жами капитал маблағлар 23679701 миллион сўм этиб режалаштирилган эди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп демакдир. Иқтисодиётга йўналтирилган жами капитал қўйилмаларнинг 24,2 фоизи марказлаштирилган инвестицияларни ташкил этган бўлса, қолган 75,8 фоизи марказлашмаган маблағлар, яъни корхоналар маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва аҳоли маблағларидан иборат бўлган. 2012 йилда давлат кафолати остида кириб келган хорижий инвестициялар миқдори 1701901 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий

инвестиция миқдори 3792,3 млрд. сўмни (2 миллиард 500 миллион доллар²⁸) ташкил этган.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012 йилдаги Инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари


		млн. сўм	
	Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	20721845	23679701
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000	1 059 254,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан, - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси (2012 йилдан Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси) - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	911 834 609800 139930 162104	1 431 777 680 796 158 147 545 836 46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш (сўм эквивалентида)	1 376 130 171 750	1 701 901 301 564
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354	17 938809
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари	2 069 185 196 289	3 524 824 222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3835109	4340656
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800	3 237 604

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455 ҳамда 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли қарорлари.

²⁸Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. - “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

2012 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 22067,0млрд. сўмни ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 14690,8 млрд. сўми бевосита ишлаб чиқариш мақсади учун йўналтирилган бўлса, 7376,2 млрд. сўми ноишлаб чиқариш соҳаларига жойлаштирилган.

Қуйидаги расмдан кузатиш мумкинки, ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг катта қисми иссиқлик-энергияси, кимё ва нефт-кимё соҳаларига тўғри келган.



7-расм. Ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар микдори, млрд. сўм.

Соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, диверсификациялаш натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида истеъмол талаби ва мамлакатимизнинг истиқболини кўзлаган ҳолда, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш орқали инвестицион маблағлар (ички ва ташқи) жалбэтилмоқда. Айниқса, инвестициявий кредитларни тармоқлар бўйича диверсификациялаш республика иқтисодиётини бир текисда ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб эълон қилди.

Ушбу эзгу мақсадлар “Обод турмуш йили” Давлат дастурида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Унда белгилаб берилган чора-тадбирлар ўтган йилларда ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ишларнинг мантикий давомидир. “Обод турмуш йили” Давлат дастури 8 бўлим ва 86 банддан иборат бўлиб, уларда мамлакатимизнинг жорий йилда ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оилада ва, умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланган.

Мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва равнақини изчил юксалтириш мазкур Давлат дастурининг муҳим устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ушбу ижобий жараёни таъминлаш мамлакатимизда барча жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни изчил давом эттириш кафолати, куцчли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимизнинг муҳим омилidir.

Дастурда қайд этилган тадбирларни амалга ошириш учун жами 6655 миллиард сўм ёки 919,2 миллион АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилади. Шунинг 3312,4 миллиард сўмини давлат бюджети ва давлатдан ташқари жамғармалар, 1917,9 миллиард сўмини ижрочилар ва ҳомийлар, 1424,7 миллиард сўмини тижорат банкларининг кредитлари ташкил қилади. Шунингдек, 664,6 миллион доллар ҳажмида халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва грантлар жалб этилади²⁹.

²⁹ Обод турмуш йили: эзгу мақсад ва муҳим вазифалар. “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 21 февраль, № 36.

3.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарни солиқ тизими орқали рағбатлантириш йўналишлари

Бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини молиявий рағбатлантириш тизими янада такомиллаштирилмоқда. Бу борада янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мавжуд ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда.

2013 йил 15 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли Фармонида ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги ПФ-4515-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-343-сонли Қонунига мувофиқ қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги ва "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонунларига мувофиқ, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, хорижий инвестициялар иштирокида янги ташкил этилаётган корхоналар давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб икки йил мобайнида шахсий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун мол-мулк олиб киришда импорт божхона тўловларини тўлашдан озод қилиниши кўзда тутилган. Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4434-сонли Фармони билан тасдиқланган Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун белгиланган асосий кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар рўйхатининг II боби 5-бандининг

биринчи ва иккинчи хатбошиси янги таҳрирда баён этилган. Унга мувофиқ: ..хорижий инвестицияларнинг устав жамғармасидаги улуши ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан шахсий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган мол-мулк мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб икки йил мобайнида божхона тўловини ундиришдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4059-сонли Фармони билан Навоий вилоятида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги ПФ-4436-сонли Фармонига мувофиқ Ангрен шаҳрида яратилган индустриал зоналарни барпо этиш бўйича тўпланган ижобий тажриба эндиликда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам қўлланилади.

Индустриал зонани яратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармонига асосан амалга оширилади. "Жиззах" махсус индустриал зонасининг яратилиши ушбу ҳудудда юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга қаратилган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон-Хитой саноат паркини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув меморандуми тўғрисидаги Фармон қабул қилинди. Мазкур Фармон билан:

- ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак

технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;

- махсус индустриал зонага кирувчи минтақаларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

- махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

- "Жиззах" МИЗ ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг жадал ривожланишини ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш "Жиззах" МИЗ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди. Жиззах вилояти ва Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида филиали ташкил этилаётган "Жиззах" МИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этиб, бу муддат кейинчалик узайтирилиши ҳам мумкин. Ушбу муддат мобайнида МИЗ ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади.

Хусусан, "Жиззах" МИЗ қатнашчилари:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

- республикада ишлаб чиқарилмайдиган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида "Жиззах" МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи

буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиниши назарда тутилган.

Имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб, эквивалентида:

- 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда – 3 йил муддатга;
- 3 миллион АҚШ долларида ортиб 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда – 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга берилади.

Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш, солиқ юкини пасайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўтган 2012 йилда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ортиқча оворагарчиликларни олдини олиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасида бир қатор Қонунлар, Президентимиз Фармон ва Қарорлари қабул қилинди.

Хусусан:

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун;

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармонлари шулар жумласидандир.

Бюджет ва солиқ сиёсатининг 2013 йилги асосий йўналишлари асосида, шунингдек ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорлик субъектларига қулай имкониятлар яратиш учун белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўтган йилнинг декабрь ойида ҳам тадбиркорлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада пасайтиришга, солиқ тизимини соддалаштиришга ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1887-сонли қарори билан солиқ қонунчилигига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жорий йилдан бошлаб солиқ ставкаларига киритилган асосий ўзгаришлар хусусида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Жорий йилгача солиқ тўловчи томонидан тан олинган солиқ қарзи қанча бўлишидан қатъий назар уни ундириш учун судларга мурожаат қилинар эди.

2013 йилдан бошлаб эса, солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилишда солиқ қарзларининг энг кам меъёрлари белгилаб берилди. Унга кўра, Солиқ кодексида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик шахслар ва уларнинг алоҳида тузилмалари учун солиқ қарзлари ЭКИХнинг 20 бараваригача, жисмоний шахсларнинг солиқ қарзлари ЭКИХнинг 5 бараваригача бўлган ҳолларда ушбу солиқ қарзларини мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинмаслиги белгиланди. Мазкур меъёрнинг киритилиши, бир томондан суд тартибида ундирилаётган унча катта бўлмаган солиқ қарзи бўлган солиқ тўловчиларнинг чиқимларини

камайтирса, иккинчи томондан давлат солиқ хизмати органларининг ушбу қарзларни ундириш бўйича харажатларини ҳам қисқартиришига олиб келади.

2. 2013 йилдан бошлаб ягона солиқ тўлови тўловчи барча шахслар учун (чакана савдо корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблаш учун ягона база – улар эгаллаб турган ер участкаси майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган ер солиғининг 3 қарра миқдоридаги суммаси белгиланди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1050-сонли қарорининг 3-бандига аниқлаштирувчи норма киритилиб, унда мазкур қарорнинг 2-иловасида келтирилган ноозиқ–овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган корхоналар жумласига сотув ҳажмида ушбу товарларни ишлаб чиқаришдан тушум улуши ҳисобот даври якунлари бўйича камида 60 фоизини ташкил этадиган корхоналар кириши белгилаб қўйилди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278–сонли қарори билан тасдиқланган «Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 3–бандидан «солиқ солиш» сўзлари чиқариб ташланиб, кадастр ҳужжатлари бинолар ва иншоотлар билан фуқаролик–ҳуқуқий битишувларни амалга оширишда, уларни лойиҳалаштиришда ва бошқа юридик ҳаракатларда ҳуқуқий, иқтисодий ва техник маълумотлар сифатида қабул қилиниши кераклиги тўғрисида аниқлаштирувчи норма киритилди.

2012 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 2312-1-сонли қарор рўйхатдан ўтказилди. Ушбу қарор 2012 йилнинг 14 декабридан кучга кирди. Ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10

апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4434-сонли Фармонида келтирилган тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари рўйхати кенгайтирилиб, уларга қўшимча 12 та тармок киритилди. Хусусан:

- балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда консервалаш;
- нефть-кимё саноати;
- тиббиёт саноати, шунингдек ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш;
- кадоқлаш материалларини ишлаб чиқариш;
- муқобил энергия манбалари негизида электр станциялари қуриш;
- кўмир саноати: кўмирни бойитиш, кўмир брикетларини ишлаб чиқариш, сланец саноати;
- ишлаб чиқаришга мўлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш;
- машинасозлик ва металлга ишлов бериш: машинасозлик, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги;
- станоксозлик ва асбобсозлик саноати;
- шиша ва чинни-фаянс саноати;
- микробиология саноати;
- ўйинчоқлар ишлаб чиқариш каби фаолиятларнинг ХХТУТ кодларини инобатга олган ҳолда Низомнинг 1-иловасига қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, Фармон билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти истисно этилган ҳолда, республиканинг барча минтақаларида жойлаштириладиган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўловини тўлашдан,

шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилишга доир имтиёз киритилди. Илгари бундай имтиёзлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг кишлоқ аҳоли пунктларидаги корхоналарга нисбатан татбиқ этилар эди. Шунингдек, ушбу Низом билан Президент Фармони асосида берилган имтиёзларни татбиқ этиш мақсадида келтирилган хорижий иштирокчилар устав капиталидаги улушининг энг кам миқдори 50 фоиздан 33 фоизгача туширилганлиги белгилаб қўйилди. Юқоридагилардан ташқари, Низомда мазкур имтиёзлар қўлланилишининг муддати давомида имтиёзлардан олинган даромаднинг камида 50 фоизини (аввал – 100 фоиз эди) корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтирилиши ҳам мувофиқлаштирилди.

2013 йил 2 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жиззах" махсус индустриал зонаси ҳудудида юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ "Жиззах" махсус индустриал зонаси қатнашчиларига қатор имтиёзлар белгиланди. "Peng Sheng" МЧЖ ҳамда "ZTE (H.K.) Limited" ва "Wenzhou Jinsheng Trade Co., Ltd" компаниялари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар (кейинги ўринларда – қўшма корхоналар) фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинади. Шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича республикада ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган:

- қўшма корхоналар ва "Peng Sheng" МЧЖ томонидан импорт қилинадиган техник ҳужжатлар, машиналар, махсус техника ва механизмлар, махсус транспорт воситалари (енгил автомобиллардан ташқари), қурилиш

материаллари ва конструкциялар янги ишлаб чиқариш комплексларини куриш даврида;

- мобил телефонлар ва бошқа электрон курилмалар, санитария-техник буюмлар учун аралаштиргичлар, беркитиш арматураси ва бутловчи буюмлар, хайвонлар ва паррандалар учун озуқа ишлаб чиқаришда, шунингдек чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашда фойдаланиладиган ҳамда қўшма корхоналар томонидан импорт қилинадиган технологик асбоб-ускуна ва унга эҳтиёт қисмлар, хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар 3 йил муддатга божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинади.

3.3. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиқ тизими орқали рағбатлантиришни кучайтириш масалалари

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, миллий иқтисодиётга хориж инвестициясини жалб қилиш ва унинг реинвестициялашув жараёнини кучайтириш иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Иқтисодиётда инвестиция даражасининг ошиши ялпи ички маҳсулот (миллий даромад, ялпи даромад)нинг инвестицияга сарфланадиган қисмини тежашга ва истеъмолнинг даражасининг ошишига замин яратади, пировардида эса, аҳолининг турмуш даражаси ошади.

Инвестиция жараёнларини молия-кредит механизмлари орқали рағбатлантиришда солиқ тизими энг катта аҳамият касб этади. Чунки, инвестор ўз маблағлари етарли бўлган шароитда кредит маблағларини жалб этмасдан ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиши мумкин, аммо у ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштиришнинг қайси манбаларидан фойдаланишидан қатъий назар белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаши шарт, шу боис инвесторларни энг қизиқтирган жараёнлардан бири бу солиқ тизимида бу борада қандай енгиллик ва имтиёзлар берилганлигидир. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг дастлабки кунлариданок, миллий иқтисодиётга хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни кучайтириш ҳамда

миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан топилган фойданинг реинвестициялашувини кучайтиришни рағбатлантиришга оид аниқ чора тадбирлар белгиланди, бундай чора-тадбирлар сирасига махсус қонунлар, ҳукуматнинг қарор ва фармойишларининг қабул қилинишини келтириш мумкин.

Бу борада солиқ тизими орқали инвестиция жараёнини рағбатлантиришда фойда солиғининг табақалаштирилган ставкаларининг қўлланилиши, солиқлардан озод этишда энг кўп муддатнинг белгиланиши (Республикамиз солиқ қонунчилигида энг кўпи билан етти йилгача солиқлардан озод этилиш белгиланган бўлиб, ушбу имтиёзни олишнинг мезони - инвестиция миқдоридир), корхоналардан фойда солиғини ундиришда инвестицияга қилинган маблағларнинг (кўпи билан солиқ базасининг эллик фоизигача) солиқ базасидан чегириб ташланиши каби нормаларнинг белгилаб қўйилиши бу борадаги муҳим дастлабки қадамлардан биридир.

Бизнинг фикримизча Республикамизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилиши билан етарлича солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилган бўлсада, бироқ, уларнинг солиқ тўловчилар томонидан самарали фойдаланаётганлигининг доимий мониторинги тўлиқ йўлга қўйилмаган, шу сабабли ушбу жараёни доимий таҳлил этиб солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланмаётган солиқ тўловчилардан солиқларни тўлалигича ундириш мақсадга мувофиқ. Айниқса, бу имтиёзга эга бўлиш мақсадида фаолиятининг дастлабки вақтларида нормал ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиб, кейинчалик сунъий равишда фойдани камайтириб кўрсатаётган ёки банкротлик ҳолатини юзага келтираётган корхоналарга нисбатан солиқ имтиёзларининг самарадорлиги назорат тартибида мониторинг қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Инвестиция дастурига киритилган бир қатор лойиҳаларнинг ижроси кечикаётганлиги, айрим давлат ва хўжалик органлари ўз вазифаларини бажаришда сусткашликка йўл қўяётганлиги ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб,

ушбу муаммолар хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётга кириб келишига тўсқинлик қилмоқда. Жумладан, 2012 йилда муайян инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, уларни дастурларга киритишда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ўрганиш жараёнида вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини таҳлилий таъминлаш борасида ўзаро ҳамкорлиги етарли эмаслиги, натижада иқтисодий жиҳатдан мақсадга номувофиқлиги туфайли 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мазкур босқичда тўхтатилган. Шунингдек, айрим инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларининг талаблари етарли даражада ҳисобга олинмаганлиги, тендер ҳужжатларини етарли даражада синчиклаб ишлаб чиқилмаслиги ҳоллари ҳам учрамоқдаки, бу экспертизага киритилаётган ҳужжатлар маромига етказилиши учун қайтариб юборилишига олиб келмоқда. Ишларнинг бундай аҳволи тендерларни ўтказиш муддатларига, бўлажак қатнашчиларнинг моддий харажатлари кўпайишига таъсир кўрсатмоқда. Масалан, ҳар бирининг қуввати 450 МВт бўлган иккита буғ- газ қурилмасини барпо этиш орқали Толлимаржон ИЭСни кенгайтириш инвестиция лойиҳаси бўйича тендер савдолари ўз вақтида ўтказилмаган. Буларнинг барчаси капитал маблағларни ўз вақтида ўзлаштиришга ҳамда лойиҳаларни амалга оширишга таъсир кўрсатмоқда, бўлажак шериклар билан лойиҳаларнинг техник, юридик, молиявий ва бошқа кўрсаткичларини келишиб олиш масалаларини қийинлаштирмоқда.

Ҳукукий нуқтаи назардан, чет эл инвестициялари ўзга мамлакат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, фойдаланиш, уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлса, иқтисодий жиҳатдан, юқоридагилар билан бирга жуда кўп эҳтимоли бўлмиш, қўшимча аниқ ва ноаниқ рисклар билан боғлиқлиги ва улар натижасида талофатлар кўриш эҳтимоли аниқдир. Халқаро инвестиция муносабатларини ташкил этишда ўз инвестицияларини киритиши мумкин бўлган мамлакатлар, корпорациялар, молия ва кредит институтлари, якка инвесторларнинг манфаатлари билан ҳисоблашишга ва булар асосида капитал муносабатларининг йўлга қўйилишига тўғри келади. Хорижий

сармояларни қабул қилувчи мамлакат, ўзга мамлакат ривожланиш даражасини инобатга олган ҳолда, жалб этиладиган сармоялар нарх-навосини, сармоядорларни қониқтирадиган даромадларни ва улар кўзлаган мақсадларни ҳисобга олишига тўғри келади.

Инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни барпо этишда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаси – уларнинг мақбул нисбатларини мувофиқлаштириш, ҳаммасига тенг ҳуқуқий шароитлар ва ҳаётда амалга ошириш учун кафолатлар яратиб беришдан иборатдир. Бунда, ҳар бир ҳолат бўйича чет эл инвестицияларини жалб этишда якка тартибда ёндашиш, кафолатлар ва солиққа тортиш шартларини келишиб олишга тўғри келади.

Ўзбекистон бой табиий, минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларига, улкан инвестиция имкониятларига эга бўлган мамлакатдир. Ўзбекистонда инвестиция фаолияти ютуқларини таъминлайдиган ҳал қилувчи омил - бу зарурий, инвестициялаш билан у ёки бу тарзда боғлиқ бўлган жами масалаларни тартибга соладиган таъсирчан қонунчиликни мунтазам ва тобора такомиллаштирилиб борилишидир.

Республикада давлат мустақиллигининг қарор топишидаги қисқа даврда инвестиция фаолиятининг қонунчилик асоси яратилди. Бу қонун ҳужжатларида чет эл инвестицияларини жалб этишнинг жуда кенг ҳуқуқий кафолатлари ва имтиёзлари тизими ўз аксини топган. Аввало, давлат томонидан хорижий инвесторларнинг барча ҳуқуқлари таъминланмоқда, уларнинг сармоялари, мамлакатимиз ҳудудида улар томонидан яратилган мулкнинг дахлсизлиги кафолатланмоқда, яратилаётган имтиёз ва преференцияларни кенгайтириш ва либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

“Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунга кўра, қонунчилик нормаларининг ўзгартирилиши инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришга олиб

келган тақдирда чет эллик инвесторларга нисбатан ўн йил мобайнида инвестиция киритилган санада амал қилган қонунчилик қўлланади.

Мамлакатимизда чет эллик инвесторнинг Ўзбекистонда олган даромадларини қайтадан инвестиция сифатида киритиш бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ – чет эллик инвесторнинг даромади, унинг хоҳишига кўра, ҳар қандай шаклда ишлатилиши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча тадбирлар мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтиришга, унинг жаҳон бозорига қўшилиши ва четдан киритиладиган инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилган.

Шу муносабат билан ишлаб чиқаришга инвестицияларни рағбатлантириш учун тадбиркорлик тузилмаларига жадаллашган амортизация усуллари қўллашда тўла эркинлик бериш талаб этилади. Жамғариш ва инвестициялашни рағбатлантириш учун инвестиция бўйича солиқ кредитларининг турли шаклларида кенгрок фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

Солиқларни тартибга солувчилик функциясидан фойдаланган ҳолда миллий иқтисодиётнинг ўзидаги чекланган ресурсларни инвестициялашда давлат ва хусусий манфаатлар нисбатини мақбуллаштириш мақсадга мувофиқдир. Инвестициялар бўйича солиқ кредитлари воситасида иқтисодиётнинг реал секторида нодавлат тузилмаларининг инвестиция фаолиятини кучайтириш ва кенгайтириш зарурдир.

Республикада амалда бўлган солиқ рағбатларини тўрт турга бўлиш мумкин: солиқ тўлашдан вақтинчалик озод қилиш; солиқ ставкасини камайтириш; солиққа тортиладиган базани торайтириш; солиқ мажбуриятини бажаришни кечиктириш (солиқ кредити). Қайд қилинган рағбатлар у ёки бу даражада чет эл инвестициялари иштирокидаги кенг доирадаги корхоналар учун татбиқ этилади.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш механизмлари, биринчи навбатда, барча хўжалик юритиш босқичларида жамғармалар ўсиши суръатларини рағбатлантириш ва истеъмол даражасини пасайтиришга

йўналтирилган бўлиши керак. Бунга, бизнинг назаримизда, иқтисодиётдаги юридик ва жисмоний шахслардан, чет эллик инвесторлардан ундириладиган солиқларни тартибга солувчилик функциясини амал қилишини кучайтириш орқали эришиш мумкин. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизими доирасида солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади. Тўғридан-тўғри чет эл сармоялари оқимини кенгайтириш мақсадида, чет эллик инвесторларни ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунларига қадар барча кўринишдаги божхона тўловлари, солиқлар, йиғимлардан озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритишда имтиёзли солиққа тортиш тартибини алоҳида қўллаган ҳолда улар ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин амалга ошириш маъқул бўлар эди.

Чет эл инвестицияларини жалб этишдаги барча масалаларни қамраб оладиган замонавий рағбатлантирувчи қонунчиликни ҳаётга татбиқ этиш билан бирга амалга оширилаётган молиявий сиёсатни бундан буён ҳам такомиллаштириш ва миллий валюта қадрини мустаҳкамлаш талаб этилади. Соғлом монетар-пул сиёсати, асосли кредит ва фойиз сиёсати, кредитлашнинг моҳирона усуллари, чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммоларини маълум даражада ҳал қилиш имкониятларини яратади. Республика иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиш соҳаларини аниқлаш масалаларини ҳал қилишда қўшма корхоналар ташкил қилиш бўйича узоқ муддатли ҳудудий стратегик дастурларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Чет эл капиталини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича узоқ муддатли, ҳудудий, мақсадли дастурларида устувор соҳаларни белгилаш ва уларнинг чет эл технологияси ва ускуналари билан биринчи навбатда жиҳозланишини асослаш керак. Бунда халқаро молия лизингини кенг

ривожлантириш ҳисобига чет эл технологияларини жалб қилишни, кўчмас мулкни барпо этишни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ҳозирги даврда иқтисодий ўсиш учун фақат жамғариш ва инвестицияларнинг юқори суръатларигина етарли эмас. Бозорга ўтиш босқичида жамғарманинг камлиги, яъни инвестицияларда аҳоли маблағлари ҳиссасининг озлиги туфайли инвестицияларни молиялаштиришнинг ташқи манбаларини жалб этиш, инвестиция фаолиятини тартибга солиш объектив заруратга айланади. Бу амалдаги қонунчиликни соддалаштириш ва барқарорлаштириш томон такомиллаштириш, мамлакатга янги лойиҳалар ва қўшма корхоналар ташкил қилиш учун ТХИ келишини рағбатлантиришни талаб қилади. Рағбатлантириш механизмлари валюта харажатларини қоплайдиган лойиҳаларни ва маҳаллий хом ашё ресурслари базасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилмоғи зарур.

Шу билан бир қаторда ТХИ ҳаракатларида тенденцияларни, инсон капиталига, технологик ўсиш ва техника билимлари соҳаларини ривожлантиришга инвестицияларни, илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш ва бошқаларни ҳисобга олишга тўғри келади. Бунинг учун глобал билимларни эгаллаш ва уларга мослашиш, маҳаллий даражадаги билимлар доирасини ривожлантириш, билимларни ўзлаштириш ва уларни қўллаш имкониятларини кенгайтириш мақсадларида инсон капиталига инвестициялар, жаҳон ютуқлари ва билимларини ўзлаштириш ва эгаллашга ёрдам берадиган технологияларга инвестициялар талаб этилади.

Шу сабабли, республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини эгаллаш, глобал илмларни ўзлаштириш, солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилиши лозим. Бунда асосий вазифа - чет эллик ҳамкорларга капитал қўйишда энг самарали йўналишларни таклиф этишдан, ўзаро манфаатлар соҳаларини белгилашдан, инвесторларга бериладиган

имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

3-боб бўйича хулоса:

Инвестиция жараёнларини молия-кредит механизмлари орқали рағбатлантиришда солиқ тизими катта энг аҳамият касб этади. Чунки, инвестор ўз маблағлари етарли бўлган шароитда кредит маблағларини жалб этмасдан ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиши мумкин, аммо у ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштиришнинг қайси манбаларидан фойдаланишидан катъий назар белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаши шарт, шу боис инвесторларни энг қизиқтирган жараёнлардан бири бу солиқ тизимида бу борада қандай енгиллик ва имтиёзлар берилганлигидир.

Статистик рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, 2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Этиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

2012 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 22067,0 млрд. сўмни ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 14690,8 млрд. сўми бевосита ишлаб чиқариш мақсади учун йўналтирилган бўлса, 7376,2 млрд. сўми ноишлаб чиқариш соҳаларига жойлаштирилган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки хорижий инвесторлар ўзлари билан нафақат валюта, балки юқори даражадаги технологияни ҳам олиб киради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Иқтисодиётимизни ривожлантириш ишлаб чиқариш мажмуаларини модернизация қилиш ва уларни ишлаш тузилмасини тубдан ўзгаришини ҳозирги боскичида бевосита хорижий инвестициялар катта аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасига бевосита хорижий инвестицияларни кириб келишига инвесторларни қизиқтирувчи омиллар мавжуд бўлиб, уларга қулай географик жойлашув, минерал хом ашё захираларининг етарлилиги, ривожланган коммуникация тармоғи, арзон ишчи кучи, қулай инвестицион муҳит, имтиёзлар ва бошқа қулай шарт-шароитлар киради.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тўғри хорижий инвестицияларни янги лойиҳаларга ва қўшма корхоналарга жалб этишга қаратилиши лозим. Шунингдек, тартибга солиш хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутди. Бунда чет эл инвестициялари, шу жумладан тўғридан-тўғри хусусий сармоялар

оқиб киришини рағбатлантириш, шунингдек миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўринни эгаллайди.

Маълумки, инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам қамраб олади.

Тартибга солиш функциясини ишлатилиши давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида айрим тармоқларга инвестициялар оқимларини бошқариши билан амалга оширилади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг турли соҳаларида капитал жамғарилиши жараёнларини кучайтириш ёки сусайтириш, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтириш ёки қисқартириш йўллари билан тартибга солиш функцияси фойдаланилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларида инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корхоналарнинг ўз ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланади. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг корхоналар учун самарали бўлишига иқтисодий инфратузилманинг марказий бўғини бўлган солиқлар механизми ҳисобланади. Чунки солиқлар ҳам, ҳар бир корхона миқёсида тузилган инвестиция лойиҳаларнинг иқтисодий самараси тақдирини ҳал қилишда асосий ўринни эгаллайди.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда солиқларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган тартибга солиш функциясидан самарали фойдаланилади. Ғарб мамлакатларида солиқ имтиёзлари, биринчи навбатда инвестициялар ва илмий техника фаолиятини рағбатлантириш,

шунингдек айрим тармоқлар ва минтақаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун жорий қилинади. Уларнинг ёрдамида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш, техника билан қайта жиҳозлаш учун шароитлар яратилади.

Инвестиция жараёнларини молия-кредит механизмлари орқали рағбатлантиришда солиқ тизими энг катта аҳамият касб этади. Чунки, инвестор ўз маблағлари етарли бўлган шароитда кредит маблағларини жалб этмасдан ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиши мумкин, аммо у ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштиришнинг қайси манбаларидан фойдаланишидан қатъий назар белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаши шарт, шу боис инвесторларни энг қизиқтирган жараёнлардан бири бу солиқ тизимида бу борада қандай енгиллик ва имтиёзлар берилганлигидир.

Солиқ қонунчилигида солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзларини таҳлили кўрсатишича, энг кўп имтиёзлар айнан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан қўлланади.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки кунлариданок, миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб этишни рағбатлантиришда солиқ тизимидан самарали фойдаланилмоқда. Бугунги кунда асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ялпи ички маҳсулотнинг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этишида берилаётган солиқ имтиёзлари катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги ишлар 2012 йилда ҳам давом эттирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган

холларда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II-чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди. Ушбу корхоналар қуйидагиларни тўлашдан озод этилади:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини;
- мол-мулк солиғини;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини;
- ягона солиқ тўловини;
- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни.

Мазкур солиқ имтиёзлари тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларнинг ҳажми қуйидагиларга тенг бўлганда тақдим этилади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача — 3 йил муддатга;
- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача — 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга;

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш учун корхоналарга қўйилган талабларга ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Масалан, аввал мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш лозим эди. Эндиликда эса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари барча ҳудудларда бундай корхоналарни ташкил этиш мумкин. Шунингдек, имтиёздан фойдаланиш учун аввал корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим эди, энди бу кўрсаткич 33 фоиз қилиб белгиланди.

Бундан ташқари, мазкур имтиёзларни қўллаш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни тўлиқ корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш лозим эди, энди 50 фоизи ушбу мақсадга, қолган қисм эса ихтиёрий тасарруф этилиши мумкин.

Бу чора-тадбирлар ўз навбатида Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган турли шаклдаги инвестициялар оқимининг йилдан-йилга ошиб боришини таъминламоқда. 2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини молиявий рағбатлантириш тизими янада такомиллаштирилмоқда. Бу борада

янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мавжуд ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда.

Бизнинг фикримизча Республикамизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилиши билан етарлича солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилган бўлсада, бироқ, уларнинг солиқ тўловчилар томонидан самарали фойдаланаётганлигининг доимий мониторинги тўлиқ йўлга қўйилмаган, шу сабабли ушбу жараёни доимий таҳлил этиб солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланмаётган солиқ тўловчилардан солиқларни тўлалигича ундириш мақсадга мувофиқ. Айниқса, бу имтиёзга эга бўлиш мақсадида фаолиятининг дастлабки вақтларида нормал ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиб, кейинчалик сунъий равишда фойдани камайтириб кўрсатаётган ёки банкротлик ҳолатини юзага келтираётган корхоналарга нисбатан солиқ имтиёзларининг самарадорлиги назорат тартибида мониторинг қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни барпо этишда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаси – уларнинг мақбул нисбатларини мувофиқлаштириш, ҳаммасига тенг ҳуқуқий шароитлар ва ҳаётда амалга ошириш учун кафолатлар яратиб беришдан иборатдир. Бунда, ҳар бир ҳолат бўйича чет эл инвестицияларини жалб этишда яқка тартибда ёндашиш, кафолатлар ва солиққа тортиш шартларини келишиб олишга тўғри келади.

Шу муносабат билан ишлаб чиқаришга инвестицияларни рағбатлантириш учун тадбиркорлик тузилмаларига жадаллашган амортизация усулларини қўллашда тўла эркинлик бериш талаб этилади. Жамғариш ва инвестициялашни рағбатлантириш учун инвестиция бўйича солиқ кредитларининг турли шаклларида кенгроқ фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

Солиқларни тартибга солувчилик функциясидан фойдаланган ҳолда миллий иқтисодиётнинг ўзидаги чекланган ресурсларни инвестициялашда давлат ва хусусий манфаатлар нисбатини мақбуллаштириш мақсадга

мувофикдир. Инвестициялар бўйича солиқ кредитлари воситасида иқтисодиётнинг реал секторида нодавлат тузилмаларининг инвестиция фаолиятини кучайтириш ва кенгайтириш зарурдир.

Республикада амалда бўлган солиқ рағбатларини тўрт турга бўлиш мумкин: солиқ тўлашдан вақтинчалик озод қилиш; солиқ ставкасини камайтириш; солиққа тортиладиган базани торайтириш; солиқ мажбуриятини бажаришни кечиктириш (солиқ кредити). Қайд қилинган рағбатлар у ёки бу даражада чет эл инвестициялари иштирокидаги кенг доирадаги корхоналар учун татбиқ этилади.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш механизмлари, биринчи навбатда, барча хўжалик юритиш босқичларида жамғармалар ўсиши суръатларини рағбатлантириш ва истеъмол даражасини пасайтиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бунга, бизнинг назаримизда, иқтисодиётдаги юридик ва жисмоний шахслардан, чет эллик инвесторлардан ундириладиган солиқларни тартибга солувчилик функциясини амал қилишини кучайтириш орқали эришиш мумкин. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизими доирасида солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади. Тўғридан-тўғри чет эл сармоялари оқимини кенгайтириш мақсадида, чет эллик инвесторларни ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунларига қадар барча кўринишдаги божхона тўловлари, солиқлар, йиғимлардан озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритишда имтиёзли солиққа тортиш тартибини алоҳида қўллаган ҳолда улар ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин амалга ошириш маъқул бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни. № 719-1 Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни. //”Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси, 2004 йил 10 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил январь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида»ги Фармони. 13.04.2012.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 10.04.2012.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияладиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли Фармони
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармони
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияладиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4453-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги «2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида"ги 1668-сонли қарори
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион

дастури тўғрисида”ги 1855-сонли Қарори.

15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли Фармонида ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги ПФ-4515-сонли Фармони.

16.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” Фармони 04.12.2008.

17.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 май "Жиззах" махсус индустриал зонаси ҳудудида юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

18. И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

19.И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. “Халқ сўзи” газетаси, 20 январ 2012 йил.

20.Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

21.Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2010 йил, 30 январ, 2-бет.

22.И.Каримов, Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т — Ўзбекистон, 2000 йил.

IV. Асосий адабиётлар

23.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

24.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – “Ўқитувчи” НМИУ, 2012. – 282 б.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2011.

26. Парлова Л.И. Финансовый менеджмент. Управление денежным оборотом предприятия: Учебник для ВУЗов, М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2010.

27. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.

28. Ё.К.Қориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” фани бўйича таълим технологияси. /“Иқтисодий таълимдаги ўқитиш технологияси” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2008.

29. Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: Молия, 2003.

30. Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции. пер. с. англ. -М.: ИНФРА, 2000.

31. Тумусов Ф.С. Инвестиционный потенциал региона: Теория, проблемы, практика. – М.: Экономика, 1999.

32. Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учебное пособие. -Мн.: Экоперспектива, 1998.

33. Мертенс А.В. Инвестиции: Курс лекций по современной финансовой теории. -Киев. Киевское инвестиционное агентство, 1997.

34. Кэмпбелл Р. Макконелл, Станли Л. БРЮ. Экономикс, принципы, проблемы и политика. 2-том, -М.: Изд-во «Республика», 1992. -388 с.

35. Клас Эклунд «Эффективная экономика», шведская модель -М.: Экономика, 1991.

36. Михайлова Е.В. Финансовые рынки и их формирование в СССР. СПб.: Изд-во СПУ ЭиФ, 1991.

V. Қўшимча адабиётлар

37. Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. – Т.: SMIASIA, 2011. – С. 439.

38. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

39. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005.-273 б.

40. Хайдаров М. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан” 2003 й.

41. Самарходжаев Б. Инвестиции в Республике Узбекистан. Монография. Т.: “Академия” 2003 й.

42.Н.Н.Расулов. Стимулирование привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистана.-Т.: «ФАН», 2003. -165 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

43.Обод турмуш йили: эзгу мақсад ва муҳим вазифалар. “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 21 февраль, № 36.

44.Алматова Д. Минтакаларда инвестициялар жалб этишнинг муҳим йўналишлари. “О’ZIA” - “ЭВУ” 1/2012.

45.Ҳайдаров А. Ўзбекистонда солиқ ислохотлари //Газета “Биржа”, №70(1481) 16 июня 2012 г. - <http://www.idbirja.uz/ru/gazeta-birja/3353-ozbkistonda-soliq-islohotlari>

46.Ўзбекистон Республикаси ижтимоий - иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.– Т.: О‘zbekiston, 2011.– 140 б.

47.Analytical report «Of the world economic situation and prospects in 2011», New York-Geneva, UN, 2011.

48.World Development Indicators 2011. Structure of Output. – International Bank for Reconstruction and Development/World Bank. – Washington D.C., April 2012.

VII. Интернет сайтлар

49.www.gov.uz

50.www.press-service.uz

51.www.mfer.uz

52.www.UzA.Uz.


53.www.review.uz

54.www.cer.uz

55.www.mfa.uz

56.www.uzinfoinvest.uz

ИЛОВАЛАР



1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда³⁰

1-жадвал

ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, (фоиз ҳисобида)

Йўналишлар	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
ЯИМ жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	66,0	63,8	64,6	65,8	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	24,8	22,6	31,0	28,8	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,1	13,6	4,4	5,4	9,6	7,8	3,1

³⁰ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2-жадвал

ЯИМнинг тармоқ таркиби, (фоиз ҳисобида)

	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Иқтисодиёт жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	26,3	17,1	14,2	20,7	22,1	24,0	22,3	23,6	24,0	24,0	24,0
Қишлоқ хўжалиги	37,4	28,1	30,1	25,0	24,1	21,7	19,4	18,2	17,5	17,6	17,5
Қурилиш	10,4	7,1	6,0	4,9	5,1	5,5	5,6	7,4	6,4	6,1	5,9
Хизматлар	26,2	34,6	37,2	38,4	39,5	39,3	43,3	44,1	45,1	44,5	44,9
Соф эгри солиқлар	-0,3	13,1	12,5	11,0	9,2	9,5	9,7	6,7	7,0	7,8	7,7

3-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2

**Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида иқтисодиётнинг айрим
секторларининг улушини ўзгариши (фоизли пункт ҳисобида)**

Кўрсаткичлар номи	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
ЯИМ ўсиши – жами (%да)	3,8	7,0	7,3	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3
Иқтисодиёт тармоқларини ЯИМ жами ўсишидаги улуши:								
Саноат	8,0	12,4	17,6	14,5	15,5	10,4	9,1	7,4
Қишлоқ хўжалиги	21,6	23,5	25,1	17,9	12,9	17,7	19,2	18,3
Қурилиш	3,8	7,5	9,8	8,7	5,1	23,0	6,4	6,7
Транспорт ва алоқа	23,3	19,5	17,7	18,4	21,9	7,0	14,2	16,3
Савдо ва умумий овқатланиш	13,3	10,4	13,7	19,0	16,1	15,5	20,8	20,9
Бошқа хизматлар	18,2	11,2	7,4	12,2	18,4	17,2	21,9	22,2
Билвосита солиқлардан субсидияларнинг айирмаси	11,9	15,5	8,7	9,3	10,0	9,2	8,6	8,3
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100


Манба: Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти материаллари.

5-жадвал

Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози

№	Саноат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013 (прогноз)	2014 (прогноз)	2015 (прогноз)
1	Енгил автомобиллар	минг дона	235,5	245,0	250,0	260,0
2	Автобус ва юк автомобиллари	минг дона	3,7	3,0	3,1	3,2
3	Кучли ток кабеллари	минг км	13,6	13,5	14,0	14,5
4	Музлаткичлар	минг дона	17,8	90,0	95,0	110,0
5	Телевизорлар	минг дона	26,7	105,0	109,0	112,5
6	Энергия тежовчи чироқлар	минг дона	2007,6	28400,0	28700,0	28870,0
7	Калий ўғитлари	минг тонна	125,3	200,0	300,0	450,0
8	Кальцийланган сода	минг тонна	92,0	100,0	100,0	100,0
9	Курилиш ойнаси	минг кв.м.	13051,4	12140,0	12530,0	13000,0
10	Керамик плиталар	минг кв.м.	4350,0	3800,0	4500,0	5800,0
11	Пахтадан ип-калава	минг тонна	140,6	345,6	435,2	524,0
12	Тайёр газмоллар	млн.кв.м.	56,4	241,4	268,2	304,0
13	Трикотаж буюмлар	млн.дона	64,6	132,7	162,3	241,3
14	Пайпоқлар	млн.жуфт	3,2	30,2	42,1	48,0

Изоҳ: Прогноз кўрсаткичлари “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастур параметрларидан олинган.



2-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, млрд.долл.³¹

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда³²

Экспорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

³¹ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

³² Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

**Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибининг йиллар бўйича
динамикаси, фоизда³³**

Импорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	41,3	45,4
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	9,7	13,6	13,3	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	8,1	7,3
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,1	7,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	12,4	9,9
Хизматлар	1,5	8,5	5,3	6,1
Бошқалар	14,5	17,8	11,5	9,1

³³ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

**2012 йилда ишга туширилган 2013 йилда амалга оширилиши
кутилаётган йирик лойиҳалар³⁴**

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Умумий қиймати (млн. долл.)
2012 йилда яқунланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	"Шуртаннефтегаз» негизда пропан-бутан аралашмаси қурилмасини барпо этиш (5 навбати)	50,0 минг тонна	74,2
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	Навоий ИЭС негизда буғ-газ қурилмасини барпо этиш	478 МВт	529,78
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Навоий вилоятида техник кремнини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (1 босқич)	12,0 минг тонна	19,04
“Ўзавтосаноат” АК			
4	Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқарувчи янги комплексни барпо этиш (II босқич)	3,0 минг дона	29,38
2013 йилда яқунланиши мўлжалланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	Мавжуд ДКС -1,2,3,4 ўрнига Газли сиқувчи компрессор станциясини барпо этиш	16 дан 25 МВтгача ошириш	261,13
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	«Тошкент ИЭС» ОАЖ негизда когенерацион буғ-газ технологиясини жорий этиш	27 МВт	62,99
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Дехқонобод калий ўғит заводини ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (2 босқич)	200,0 минг тоннадан 600,0 минг тоннагача ошириш	254,8
“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК			
4	Жиззах-Янгиер икки йўналишли электрификация қилинган темир йўл линиясини барпо этиш (1 босқич)	187 км	320,74

³⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги. Худудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳамда ҳорижий инвестицияларни жалб этишда ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари, 2013 й.

